Шу азиз Ватан — барчамизники!

Ишонч

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг газетаси • 1995 йил, 25 август • №34 (228)

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ТЎРТ ЙИЛЛИГИГА

ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Хорижий сармоялар бўйича агентликни ташкил этиш тўғрисида фармон берди.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлигида пахта йиғим-теримига пухта ҳозирлик кўриш, ғўза баргини сифатли тўктириш ҳамда бошоқли дон экинлари экишни уюшқоқлик билан утказиш масалаларига бағишланган кенгаш булди.

АВСТРАЛИЯ Республикасининг Узбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Жефри Роберт Бентли мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар маҳкамаси экспортга йўналтирилган маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг биринчи наватдаги лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилди.

ВАЗИРЛАР Маҳкамасида Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни утказиш юзасидан ташкилот қўмитасининг навбатдаги мажлиси булиб утди.

Қуйи Чирчиқ тумани деҳқонлари шонли аёйм — республикамизнинг Мустақиллик байрамига муносиб меҳнат совғалари ҳозирладилар. Бу йил беноён ғаллазорлардан ҳар қачонгидан кўп сара дон йиғиштириб олинди.

Суратда: «Ўзбекистон» тажриба-фермер хўжаликлари уюшмаси комбайнчиси Усмон Бурхонов. У ўз агрегати билан мавсумда 150 гектар майдондаги ғалла ҳосилини ўриб-йиғиб олди.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

ЁРУҒ КУНЛАР НАШИДАСИ

Юртим истиқлолнинг тўрт йиллиги арафасида... Ҳар жабҳада катта шодиёна тараддуди. Янгиланиш, покланиш, ўзлигини англаш сўқмоғидан пиллама поя кўтарилаётган ҳур диёрим мустақиллигини жаҳон тан олди, таниди, ўнлаб мамлакатлар ўз ваколатхоналарини очдилар.

Қалбимиз ғурур туйғуларидан энтикади, дилимизни фахр чулғайди, кўнглимиз покиза насимларга интилаверади...

Мўътабарлик касб этаётган айни кезлар мухбиримиз Ўзбекистон халқ шоири ШУКРУЛЛО билан суҳбатда бўлди.

— Истиқлолнинг тўрт йиллиги арафасида кўнглингиздан қандай туйғулар кечмоқда?

— Ёзувчининг қалбидан нималар кечиши мумкин. Ёзувчи оддий касб эгаси эмас. Унинг беғубор болалардан тортиб, кекса фуқароларгача алоқаси бор. Ишчининг, шифокорнинг фикрлари, мансабдорнинг ҳаётию, иш юритиш ҳам ёзувчининг қалбидан утади. Уларнинг дарди, фикри, уйи, жамиятдаги урни, муносабати доим уйлантириб туради. Уни жамиятдаги ютуқлар қувонтиради, адолатсизликлар, порахўрликлар, ноаҳилликлар эса безовта қилади, фикрини банд этади. Жамиятда баъзи бир хиллиликка, қотиб қолганликка қарши курашади. Унут булган қадриятларимизни англаётганимиз, тиклаётганимизнинг узи катта гап. Ҳур диёримиз барқарорлик ва тараққиёт сари юз очаётганидан, турли миллатларнинг бир-бирларини тўғри тушуниб, Туркистонга ўз уйидек қараб, фидоийлик қилаётганидан минг бир фахр қалбимни қамрайди.

— Ҳозир ҳам сиёсатда, ҳам иқтисодиётда кескин бурилишлар юз бермоқда. Назарингизда, қайси йўналишларда ютуқлар кўзга кўриниб қолди?

— Ҳа, мустақил булдик, жамиятимиз тубдан узгарди. Собиқ ССЖИ таркибидаги «мустақил давлат»га нисбатан узгача бир шакл шамойил тус олди. Тошкентнинг қиёфаси ҳам бир йилда анчагина узгарди. Хориждаги обод шаҳарлардан қолишмайди. Жумладан, Бешёғочдаги эски қуприкдан 70 йил утиб юрувдик, энди у шаҳар қуркига қурк қўшадиган маҳобатли манзара касб этган. Боғлар яратилди. Туркия билан ҳамкорликда бунёд этилган «Тошкентленд» сайлгоҳи болаларимизга қанчалик қувонч бахш этажак маскан булди. Илгарилари бир иморат қуриш учун Москвадан рухсат олинарди. Энди эса уз пулимизга узимиз эгамиз. Жумладан, Ҳамза театри илгариги «Ватан» кинотеатри урнида қад ростлади. Театр қуришга эса Москва маблағ ажратмаган эди. Таъмирлаш учун сармоя ажратилиб, шунинг эвазига бир санъат маркази қурилганини яхши биламиз. Илгарилари ҳам меҳнат эркин дейилар эди, аммо чин эркин меҳнатга эга булмаган эканмиз. Яъни фирқа аъзоси булмаган шахс масъул ишларга одинмас эди. Қани меҳнатдаги эркин ҳуқуқ? У фақат дабдабали сўзларда эди. Мана энди биз уз ҳуқуқимизга эга булдик. Қулидан иш келадиган одамларга йул берилди. Яъни ҳар ким меҳнатига яраша, ҳар ким қобилиятига яраша, деган шиор ўз маъносини топди.

Бежирим кичик-кичик хусусий дуконлар жадаллик билан қад ростламоқда, халқ амалий санъати кенг қирралари билан ривожланмоқда, улар расталарга файз, бозорларга баракадир.

— Юртимизнинг озод, музаффар, ҳур ва шодмонлиги-ю, истиқлолнинг боқий тантанаси йўлига хизмат қилажак қайси йўналишларга диққат — эътиборни кучайтириш лозим деб ҳисоблайсиз?

— Эндиликда ҳар ким ўз шахсий мулкига эга булмоқда, демак кишиларда мулкдорлик ҳиссини кучайтириш лозим. Ташмачиликка урин булмаслиги лозим, чунки уларга ўз чўнтакларига узлари тушаётганликларини англатиш зарур. Ҳар бир кичик корхонанинг равнақи ҳур республикамиз тараққиётига бир замин эканлигини доимо ҳис этиб «элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак». Тикланаётган қадриятларимизнинг ривожига интилаверишимиз даркор. Маънавиятга кўпроқ диққат-эътиборни қаратиш, инсонлар ўртасидаги меҳр оқибатни кучайтириш лозим. Қулни-қулга бериб, иқтидорли меҳнат қилинса, ҳар бир ишда унум булаверади. Илгарилари халқ ҳимоя излаб райкомга арз қилар эди. Эндиликда адолат излайдиган ташкилот юки касаба уюшмалари зиммасига тушар экан, инсон ҳақиқатни топсин, дардини, ноласини тинглаб, ҳуқуқларини ҳимоя этажак жанговар ташкилоти бор булсин.

Юқорида айтганимдек, эркин меҳнат қиладиган, ишлайдиган замон ҳозир. Шу жараёнда англашилмовчилик, камчиликлар, албатта учрайди. Ана шу дамда меҳнаткаш касаба уюшмаларига мурожаат қилиб, уюшманинг қудратини, халқ манфаатларини ҳимоя этишга қодирлигини ҳис эта билсин.

Бундай ишончни шакллантириш йўлида «Ишонч»га омадлар тилайман.

— Байрам олди тилакларингиз...

— Жамиятимизнинг олга силжишига тусқинлик қилувчи лоқайдлик, сансаларлик, коррупциядир. Демак, ҳар соҳия бу иллатларга қарши курашиш лозим. Илдиз отиб кетган иллатларни йўқотиш учун тўрт йил қисқа муддат. Улардан қутулиш мустақиллигимизга буюк неъмат бахш этади. Бу олий неъматнинг ёруғ кунларга йўғрилган тантанасини кўриш ҳар биримизга насиб этсин. Истиқлол муборак, Ҳурлик муборак, азизлар.

— Суҳбатингиз учун ташаккур.

Суҳбатдош: Фазилат ҲОЖИҚУЛОВА.

Ҳадемай Ватанимиз мустақиллигининг тўрт йиллигига бағишланган байрам тантаналари бошланади. Айни кунларда байрам шодиёналарига юртимизнинг барча жойларида тайёргарлик ишлари қизғин бормоқда.

Шу муносабат билан махсус мухбиримиз Тошкент шаҳар ҳокими муовини, Мустақиллик байрами ва Марказий Осиё ўйинларини ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи штабининг бошлиғи Ш. ЖАЛИЛОВГА мурожаат этди.

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

— Мустақилликни тўртинчи бор катта шодиёна сифатида нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрмоқдамиз, — дейди Шуҳрат Илҳомович. — Байрамга тайёргарлик ишларига вазирликлар, корхоналар, қурилиш ташкилотлари, барча мутасадди ташкилотлар, телевидение ва радио ходимлари, санъат усталари жалб қилинган.

Авваламбор бу йилги байрам утган йилгиларидан фарқли улароқ жозибали, қизиқарли ва сермазмун, ўзгача бир файз билан утишига эришишни мақсад қилиб қўйганмиз.

Нишонланадиган байрам халқимиз қайфиятини кўтарса, Ватан истиқлолини тараннум этиб, уни мустаҳкамлаш учун жон қуйдираётган кишиларимизнинг руҳларига руҳ қўшса деймиз.

— Бу йилги байрам тантаналари яна ҳам узига хос, миллий қадриятларга бой булади. Бу сифатлар бадиий саҳна кўринишларида, турли жамоа ва дасталарнинг чиқишларида ҳам ўз аксини топади. Шаҳримиз аҳли қутлуғ айёмни муносиб кутиб олишга анча барвақт киришди.

Дарҳақиқат мустақиллик байрами тантаналарига ҳозирлик Тошкентда эрта бошланди. Шу йилнинг 16 августидан бошлаб шаҳримизнинг турли жойларида мева-сабзавот маҳсулотлари, савдо ярмаркалари, қовун сайллари ташкил қилинди. Айни пайтда «Юнусобод» теннис кортида очиладиган Президент кубоги учун теннис мусобақаларига тайёргарлик ишлари авж олдириб юборилди. Бу мусобақанинг очилиш ва ёпилиш маросимларида шахсан Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг узлари иштирок этадилар. Теннис мусобақаларига 40 дан ортиқ давлат вакиллари ташриф буюрадилар. Бу тадбирлар ҳам мустақиллик байрами тантаналарининг бошланиши десак янглишмаймиз.

Мустақилликка эришганимиздан сунг юртимиз ҳақиқий хазинага кон, жаннатмакон улка эканлигини, заминимиз бағри табиий бойликларга тулалиги яна бир бор исботланди. Бунга мисол қилиб, Наманганнинг қора олтини булмиш нефть заҳирасини, Зарафшоннинг олтин хазинасини, Фарғона водийсининг пахтаю донини курсатишимиз мумкин. Худди мана шулар байрам тантаналарининг «Ватан хазинаси» деб номланган бадиий қисмида саҳналаштириб курсатилади. Бунда Қорақалпоғистон, Тошкент, Фарғона водийси, Бухоро, Хоразм, Самарқанд вилоятларининг ранг-баранг санъатида Узбекистоннинг иқтисодий ютуқлари, яъни юқорида таъкидлаганимиз олтин, нефть, пахта, ғалла мустақиллиги бадиий шаклда ифода этилади.

...Яна бир асосий қисм «Туркистон — умумий уйимиз» шиори остида утади. Бу вокал-хореографик тупламда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Узбекистон давлатларининг дустлигини, ҳамкорлигини ва бирдамлигини ифодаловчи рақс ва қушиқлар Узбекистон Давлат Филармониясининг бадиий жамоалари ижросида намойиш этилади.

Марказий Осиё ўйинларига бағишлаб байроқ кутарилади. «Узбекистон байроғи баланд силпирамоқда» деб номланган бу мусиқий-спорт қисмида халқаро мусобақаларда ғолиб чиққан совриндорлар ва ёш спортчилар иштирок этадилар.

Мен ҳозир сузлаб бераётган бу тадбирлар ва саҳна кўринишлари 31 август куни Мустақиллик майдонида утказиладиган байрам тантаналарида намойиш этилади.

Булардан ташқари пойтахтимизнинг 8 та майдонида, яъни Миллий боғда, Ҳадра майдонида, Алишер Навоий театри ёнида, Сайилгоҳ қучасида, Амир Темур ҳиёбонида, Мирзо Улуғбек майдонида, Алишер Навоий ёдгорлик мажмуасида байрам тантаналари давом этади. Бу тантаналарда турли жамоаларнинг, бадиий ҳаваскорлик дасталарининг ва таниқли санъаткорларнинг чиқишларига кенг урин берилган. Тантаналарга халқимиз сайли янада файз бағишлайди. Байрам кунлари пойтахтимиз аҳолиси ва шаҳримиз меҳмонларига турли-туман маҳсулотлар билан савдо қилувчи расталар хизмат қилади.

Яна шуни ҳам таъкидлаб утиш жоизки, шаҳримизда мустақиллигимизнинг 4 йиллиги арафасида бир қанча янги иншоотлар туҳфа сифатида битказилмоқда. Жумладан, Эски шаҳар қайта қуриб тугалланмоқда: Сағбон, Қорасарой, Форобий кучалари кенгайтирилиб, таъмирланмоқда. Бешёғоч майдонидаги Бурижар анҳори қуприги муддатидан илгари янгитдан қуриб, фойдаланишга топширилди. Ундан ортиқ бозорлар қурилиши тугалланяпти. Сирасини айтганда, шаҳримиз янада гўзаллашиб, қўркамлашиб бормоқда.

Байрам тантаналарига Узбекистоннинг ҳар бир вилоятидан, ҳорижий давлатлардан меҳмонлар, дипломатик корпус вакиллари таклиф қилинадилар.

Яна бир муҳим тадбирни эслатишни истардим — 2 сентябрь куни Марказий Осиё ўйинларининг очилиш маросими булади. Бу ҳам байрамнинг давоми сифатида нишонланади. Бунда Халқаро Олимпия Қўмитасининг Президенти Хуан Антони Самаранч жаноблари иштирок этадилар. Очилиш маросимидан аввал йиғилганларни санъаткорлар ўз чиқишлари билан хушнуд этадилар.

Хуллас, республикамизнинг мустақиллик байрами жаҳонда тобора мавқеи ортиб бораётган Узбекистон меҳнаткашларининг катта ва серфайз тантанасига айланади. Айёмимиз тинчлик, дўстлик, биродарлик ва ҳамжиҳатликнинг ёрқин тимсоли сифатида дилларга узгача завқ-шавқ, шодуҳуррамлик бахш этиши аниқ.

Суҳбатдош: Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА.

БАЛЛИ, ҚИЗЛАР!

Баъзида оппоқ халат кийган, ширинсуҳан ҳамшираларни курганимизда уларнинг муомаласи-ю, ўз касбини яхши эгаллаб олганликларини кўриб, «Отангга раҳмат» деб қуямиз. Куни кеча республикамизнинг турли вилоятларидаги оромгоҳлардан йиғилган 15 нафар ҳамширалар узларининг нафақат тиббиётга оид, балки адабиет ҳамда санъат борасидаги истеъдодларини ҳам намойиш этишди. Мазкур «Ҳамшира-95» кўрик-танлови Тошкентдаги «Турон» санаторийсида булиб утди. Уни республикамиз мустақиллигининг 4 йиллигига бағишлаб, Узбекистон касаба уюшмалари Федерацияси санаторий-курортлар бирлашаси утказди.

Кўрик-танлов ҳайъатининг баҳосига кура «Чимён» оромгоҳининг ҳамшираси Зулфия Абдураҳмонова биринчи, Марҳамат ҳамда Чортоқ оромгоҳларидан келган Гулбаҳор Малатова ҳамда Ҳамро Ҳусайновалар иккинчи, «Турон» санаторийсининг ҳамшираси Наргиза Ҳосилжоновалар учинчи уринларни эгаллашди.

Совриндорлар Узбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг фахрий ёрлиқлари ҳамда қимматбаҳо буюмлар билан тақдирланишди. Биз фурсатдан фойдаланиб, ғолибларни суҳбатга тортдик.

Зулфия АБДУРАҲМОНОВА: — 1-уринни эгаллаш осон булмади, албатта. Танловга пухта тайёргарлик кўришга ҳаракат қилдим. Кўрик-танловда иштирок этган бошқа ҳамширалар ҳам яхши тайёргарлик кўришганини алоҳида таъкидлаш лозим. Мен уларга бундан буён кўрик-танловларда фаол қатнашиб, юқори уринларни эгаллашларини тилаб қоламан.

Гулбаҳор МАЛАТОВА: — Мен ишлидан санъатга қизиқаман. Мана шундай кўрик-танловлар тез-тез утказилиб турса, айни муддао булади. Чунки, биз бошқа оромгоҳлардан келган ҳамшираларнинг иш тажрибаси билан танишиш имкониятига эга буламиз. Шу уринда мен бизни ҳар томонлама қуллаб-қувватлаб турган томошабинларга ҳам ўз миннатдорчилигимни билдираман...

Н. РАФИҚОВ.

САЙЁРАМИЗ ОВОЗИ

· Туркия ҳукуматининг Саудия Арабистонида расмий ташрифда булган махсус вакилининг хабарига кура, музокаралар давомида 20 га яқин турк фуқаросини улим жазосидан кутқариб қолишга умид туғилди. Туркия Бош вазирининг махсус вакили, Истанбул университетининг профессори Низат Елчинтой Саудия шаҳзодаси Абдуллоҳ ибн Абдулазиз билан учрашиб, ундан қироллиққа контрабанда орқали гиёҳванд моддаларни олиб кирганликда айбланаётган Туркия фуқароларига нисбатан чиқарилган улим ҳукмини тўхтатиб туришни илтимос қилди. Ҳозир Саудияда контрабанда жиноятида айбланаётган яна 40 турк фуқароси шариат қонунларига асосан улим жазосига ҳукм қилинган эди. Шу муносабат билан Туркия Президенти С.Демирэл Саудия қироли Фатҳга мактуб йўллаб қироллдан инсонпарварлик йўлида турк маҳбусларининг ҳаётини сақлаб қолишни сўради.

· Қувайтда утказиладиган ҳарбий машқларда иштирок этиш учун АҚШ аскарларининг бир қисми мамлакатдан жўнаб кетди. Ироқ қўшинларининг ноқонуний фаолиятлари тўғрисида хабар олинганидан сўнг АҚШ ҳукумати октябрда утказиладиган ҳарбий машқларини илгарига сурган эди. Бироқ Ироқ ҳукумати бундай айбномаларни рад этди. Американинг 1400 аскари ҳамда Калифорниядаги ҳарбий лагернинг 300 дан ошиқ ҳарбий денгиз аскарлари Қувайтда буладиган ҳарбий машқларда қатнашади.

· Миср даги сунний мазҳаб мусулмонларининг олий раҳбари БМТнинг сентябрь ойида Пекинда утказиладиган хотин-қизлар конференциясини қоралади, яъни эркак ва аёл ўртасидаги фарқни йўқотишга хизмат қиладиган бундай ҳаракатларнинг оқибати ҳунук булишлигини таъкидлади. Имом ал-Аскар мазкур анжуман ташкилотчиларининг ҳаракатларини ер юзидаги барча динлар томонидан муқаддас саналган оиланинг барбод булишига доир уринди деб баҳолаб, кескин танқид қилди. Унинг Қоҳирада эълон қилинган мақсуд басноти ҳам эркакка ва аёлга бир хил ижтимоий — иқтисодий ҳуқуқлар берилишини талаб қилишни ҳар бир динининг муқаддас асосларига шак келтиришдан бошқа нарса эмаслиги борасидаги фикрини тасдиқлайди.

· Агра яқинида икки йўловчи поезднинг туқнашиши натижасида ҳалок булганларнинг ҳозирча аниқланган сони 350 дан ошди. Маълумотларга қараганда Ҳиндистон полицияси ҳамда ўт ўчирувчи гуруҳлари ҳалокат қурбонларининг жасадларини туни билан вагонлар остидан чиқариб олганлар. Тезюрар поезди темир йул бекатида сигналлар подасининг утиб кетишини кутиб, тўхтаб қолган бошқа йўловчи поездга катта тезлик билан келиб урилиши натижасида ҳар иккала поезд ҳам йўлдан чиқиб ағдарилиб кетган. Мазкур поездларда 2200 га яқин йўловчи булган. Бу ҳалокатга темир йўл назоратчиси айбдор саналмоқда. Чунки, у тезюрар поездига йўл очиб берган у, туқнашувдан сунг ўзи ғойиб булган.

· Жазоирда булиб утган террор ҳужуми оқибатида бир газета мухбири ҳалок булган. Мазкур газета ходимларининг хабар беришича, ҳалқаро бўлимнинг 36 ишлик мухбири тунда отиб кетилган экан. Мамлакатнинг ҳозирги ҳукуматини ағдариш учун курашаётган мусулмон гуруҳлари томонидан кейинги 3 йил мобайнида Жазоирда 40 дан ортиқ журналист ўлдирилган. Бундан ташқари ўтирлаб кетилган 2 журналистнинг тақдири ҳозиргача номаълумлигича қолмоқда.

· Корея Республикаси пойтахти Сеул яқинида малакасиз ва жиноят содир қилган аёллар аҳлоқини тузатиш марказида енгин чиққанлиги туфайли 37 аёл ўлган. Сеул полициясининг маълумотига кура, Ион Ген номли мазкур марказдаги енгинга 7 аёл сабаб булган. Марказнинг деразалари темирдан ясалганлиги ва эшиклари берк булганлиги туфайли кўп киши халок булган.

· Қуддусда яна бир кучли бомба портлатилганлигидан йўловчи автобус шикастланиб, 6 киши ҳалок булган, 90 киши эса жароҳат олган. Полициянинг фикрига кура, Қуддуснинг шимолий шимофотида гавжум кўча ҳаракати пайтида мазкур автобус бир олий мактабнинг олдидан ўтаётган пайтда орқасида бомба портлаган экан. Натижада мазкур автобуснинг яқинидаги бошқа бир автобус ҳам олов ичида қолган. Полиция бу портлашга ўз жонига суиқасд қилиш оқибатида бомба портлатган киши сабаб булганлигини маълум қилди.

ЕТУК МУТАХАССИСЛАР ЎЧОҒИ

Ёдингизда булса, Собиқ Иттифоқнинг баландпарвоз Конституциясида тантанавор қилиб, ҳар бир фуқаро ўзи истаганча билим олиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилганди. Аммо унинг амалдаги ижроси лоф урилганидек катта миқёслардаги орзу-хавасларнинг ушалишига сира имкон бермасди.

Ҳалқимиз эришган мустақиллик эса, кўп ўтмасдан ёшларнинг ишлаш ва ўқиш эҳтиёжларини тула ўрёбга чиқариш имконини берди. Айниқса, чет тилларидан бирини эгаллаган ёшларимиз учун ўз билим ва малакаларини оширишда бугун чегара йўқ. Буюк келажагимизни бунёд этувчи ёшларимизни билимдон, меҳнатсевар, тадбиркор, ҳар ишга қодир кишилар қилиб тарбиялаш йўлида кун сайин кенгроқ имкониятлар яратилянти. Шу жиҳатдан Тошкент давлат иқтисодиёт доирлфунуни қошида иш олиб бораётган «Келажак» халқаро бизнес мактаби алоҳида диққатга сазовор. Мустақиллигимиз билан тенг ёшдаги ушбу мактаб йигит ва қизларимиз учун ривожланган мамлакатлар олий билимгоҳлари эшикларини очиб бермоқда. Жаҳон андозалари асосида кадрлар тайёрлаш ишида узига хос аҳамиятга эга булиб келмоқда.

Мухбиримиз халқаро бизнес мактаби Президенти — техника фанлари доктори, профессор Ҳикматилла Саъдуллаевич ЛУТФУЛЛАЕВ билан мулоқотда булди. Профессор мулоқот давомида қуйидагиларни гапириб берди:

—Бизнес мактабининг ташаббускорларидан бири — университетимиз ректори академик С. Ғуломовдир. У кишининг сай-ҳаракати туфайли бозор иқтисоди мутахассисларини тайёрлаб берувчи ана шундай зие масканига асос солинди. Асосий мақсад талабаларга чет тилларни пухта ўргатишдир. Ҳозирги пайтда жаҳон бўйича инглиз тили катта мавқега эга. Бир йиллик дастур асосида бу тилни тула ўргатиш учун бор имкониятлар ишга солинмоқда. Даставвал ёшларнинг билим даражаси аниқланади. Аниқлаш эса (ТОЕФЛ) тест асосида ташкил қилинади. Ўқитиш жараёнида инглиз тили ва унинг грамматикасини мукаммал ўргатишга катта аҳамият берилмоқда. Талабаларнинг ўзлаштириш жараёнлари ҳам баҳолаб борилади. Мактабимизга инглиз тилини пухта биладиган етук ўқитувчилар жалб қилинган. Улар турли чет эл ташкилотларидан, жумладан, тинчлик корпусидан, Узбекистонга узоқ муддатли командировкага келган фуқаролардан ва университетларнинг профессор-домлаларидан ташкил топган.

Булар орасида Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетига чет эл олий ўқув юртларидан алмашув режалари асосида келган профессорлар ҳам бор. Америка элчихонаси ходимлари ҳар ҳафтада келиб дарс бериб туришади. Шунингдек, чет давлатлардан амалий ташриф билан келган мутахассислар ҳам таклиф қилиниб, улар иштирокида турли ихтисосликлар бўйича суҳбатлар, маърузалар ташкил қилинади. Инглиз тилини бу қадар чуқур ўргатилишига сабаб, битирувчиларимизга танлаган мутахассисликлари бўйича жаҳоннинг нсталган мамлакатида билим олишларига кенг имконият яратишдан иборат. АҚШ, Япония, Корея, Европа, Осиенинг бошқа тараққий этган давлатларида инглиз тили кенг тарқалганини ҳисобга олсак, фикримизни тушуниш осон булади.

Инглиз тилини ўзлаштирган студентларга мутахассислик (менежмент, маркетинг, банк ишлари, халқаро бизнес ҳуқуқи, бизнесни ташкил қилиш, компьютерда ишлаш ва бошқалар) бўйича кенг маълумот берилади. Чет эл мутахассислари ва фирмалар ходимлари билан амалий-ташкилий ва иқтисодий суҳбатлар утказиб турилади. Чунки ёшларимизнинг соф инглиз тилида иш юргизиш усулларини тула эгаллаб олмоқлари муҳимдир.

Ҳозирги вақтда бизнес мактабимиз 20 га яқин чет эл бизнес мактаблари ва университетлари билан алоқа урнатган. Аълочилар Ғарбий Европа ва АҚШ университетларида таълим олишга жўнатилмоқда. Умуман, бизнинг йўлланмамиз билан 100 га яқин талабалар чет эл университетларида таълим олдилар ва олмоқдалар. Улардан 12 нафари шу олийгоҳларни битириб, «Бакалавр» дипломини ва 3 нафари «Магистр» дипломини олишга муваффақ бўлдилар. Бундай иқтидорли ёшларимиз сони қундан-кунга кўпайиб бормоқда. Америка университетидан келган хатла жумладан шундай сатрлар бор:

«Узбек миллати узининг иқтидорли ёшлари билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Узбекистон давлатининг келажаги порлоқ, келгусида, албатта ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олади. Бунга аминмиз».

Шу мазмундаги хатлар Монтана, Белмонт, Эмори, Калифорния, Вашингтон университетлари, Франциянинг Реннис шаҳридаги — Олий коммерция мактаби, Англиянинг Ноттингем университети ва бошқалардан ҳам келиб турибди. Хориждаги ёшларимиз билан узлуксиз алоқа урнатилган булиб, уларнинг ҳаёти ва ўқиш жараёни тўғрисида тўлиқ ахборот олиб турибмиз.

Ҳар йили ёз даврида талабалар учун бизнес мактаби ташкил қилинади. Университетнинг Юсуфхонада жойлашган ёзги спорт-соғломлаштириш оромгоҳи бизнинг асосий базамиз ҳисобланади. Бу йил ҳам ана шу анъана давом эттирилиб, 120 га яқин студент Юсуфхона оромгоҳига жалб этилди. Ёзги ўқишлар 28 июндан 3 августгача давом этди.

Ёзги бизнес мактабида дарс бериш учун чет эл олий ўқув юртларидан профессор — ўқитувчилар ҳам таклиф қилиндилар. Бу йилги ўқув жараёнида АҚШ, Канада, Бельгия университетларидан келган профессор-домлалар дарс беришмоқда. Шу билан бирга Канада ва Франциялик талабалар ҳам ўқимоқдалар. Ёзги бизнес мактабимизнинг тантанали очилиши 1995 йил 9 июлда булиб утди. Бу маросимда Олий ва урта махсус таълим вазирлиги, касаба уюшмалари Марказий Қўмитаси масъул ходимлари, жамоатчилик вакиллари ва куплаб чет эллик меҳмонлар иштирок этишли. Чет эл университетларида ўқиб келган талабалар — бу йил хорижга йўлланма олган тенгдошларига оқ йўл тилаб, уларга эстафетани топширдилар.

Яқин вақтача бу даргоҳда асосан Тошкент Давлат иқтисодиёт университети талабалари таълим олишар эди. Бу йилдан бошлаб Олий таълим вазирлигининг қарори асосида мактабимизга янги мақом берилиб, у олийгоҳлараро иқтидорли ёшлар билан ишлаш марказига айлантирилди. Натижада ёзги бизнес мактабимизда республикамизнинг турли (Самарқанд, Қашқадарё, Андижон ва бошқа) вилоятларидан келган талабалар таълим олиш имкониятига эга бўлдилар. Билим даргоҳимиз йўлланмаси билан чет эл университетларида ўқиган талабалар бозор иқтисодиётига хос булган турли мутахассисликларни эгаллайдилар. Жумладан, улар ўқишларини битириб, молия, маркетинг, банк, менежмент, замонавий халқаро ҳисоб-китоб ва бошқа соҳаларда иш олиб боришлари мумкин. Шунинг учун вилоятларнинг ўзида, жумладан, Самарқанд, Андижонда шунингдек, Тошкент картография техникумида ҳам булимимиз очилди.

Бизнинг мактабимиздан йўлланма олиб, чет элларда олийгоҳларни битириб келган ёшларимиз бозор иқтисодиети соҳасида фаоллик билан иш олиб бормоқдалар. Бугун улар вазирликларда, турли эксперт гуруҳларида, «Кока-кола», «Делой Энд Туш», «Узбак» фирмаларида, миллий банк, Марказий банк, Узбексаводо тизимида, қушма корхоналарда, Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатида ва бирлашган фирмалар, компания, корпорация, ҳиссадорлик жамоаларида самарали хизмат қилишянти.

Бозор иқтисодиёти шароитида иш юриниш имкониятига эга булган мутахассислар етишмаслигини назарда тутиб, мактаб фаолиятини бундан буён кенгайтиришга ҳаракат қиляпмиз. Мақсадимиз — қалимий ва навқирон Узбекистонимиз ривожланган мамлакатлар қаторидан узига мустаҳкам урин олишига муносиб ҳисса қўшишдир.

Шомаҳмуд ШОБИЛОЛОВ, «Ишонч» мухбири.

Касаба уюшмаларининг 70 йиллиги

АНДИЖОНДА ТАНТАНАЛАР

Бу йил мамлакатимизда кенг нишонланаётган республика касаба уюшмаларининг 70 йиллик туйи Андижонда оммавий байрамга айланиб кетди. Зеро, халқ суянчига айланган ташкилотнинг етмиш йиллик тарихида анжонона из ўзига хосдир. Туй шарафига йил бошидан буён вилоят миқёсида ўтказилган «Касб байрамлари», «Меҳнат буюк ҳуқуқ ва бурчдир» мавзуидаги кўрик-танловлар, спартакиадалар, ҳар бир туман ва шаҳарда ўтган «Бирлашма кунлари», боз устига корхоналар ва ташкилотлар, хўжаликлардаги ажойиб тадбирлар етмиш йиллик туй мазмунини янаям кенгайтирди. Ахир Андижон касаба уюшмалари сафида ярим миллиондан ортиқроқ аъзо бор. Улар куни кеча якуний бир тантана ўтказдиларки, унга Наманган, Фарғонадан, Ушу Жалолободдан меҳмонлар келди. Давраларнинг турида касаба уюшмаларида узоқ йиллар меҳнат қилган фахрийлар кўр тўкиб ўтирдилар.

Дастлабки йиғин вилоят ҳокимлиги биносида очилди. Вилоят ҳокими Қ. Обидов касаба уюшмаларининг, хусусан Андижон касаба уюшмаларининг бугунги ўрни, мавқеи, фаолияти ҳақида маъруза қилиб «ҳаммамизнинг туйимиз ҳаммамизга қутлуғ бўлсин» деди. Мустақилликнинг мураккаб жараёнли кунларида халқнинг суянч тоғига айлана олган уюшма фаолларидан бир гуруҳи ҳокимликнинг фахрий ёрлиқлари, эсдалик совғалари билан мукофотланди.

Вилоят касаба уюшмлари бирлашмаси раиси У. Охунов кейинги йиллардаги ютуқлар, эртанги режалар ҳақида тўхталиб, азиз меҳмонлар ташрифи, ҳокимликнинг табрик ва мукофотлари учун миннатдорчилик билдирди. Ҳамма Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғи томон йўл олди. Карнай-сурнай садолари янгради. Оқ поёндозлар тушалди. Меҳмонлар ва фаоллар ҳазрат Навоий пойига гулдасталар қўйдилар. Боғнинг бошидан охиригача дид билан қўйилган турфа кўргазмаларни томоша қилдилар. Ҳар бир туман ва шаҳарнинг ўз санъаткорлари ҳар жой-ҳар жойда концертлар берди. Энг яхши чиқишларга, энг яхши кўргазмаларга, энг яхши қишлоқ хўжалик моллари савдоларига тўй танлови мукофотлари ажратилди. Худди шу куни вилоят деҳқончилик саноати мажмуи касаба уюшмалари ташкилотчилигидаги «Касб байрами» ҳам катта тантаналарга уланиб кетди. Боғнинг тўрт тарафида ҳам мусиқа янгради, қушиқлар куйланди, полвонлар беллашувлари ўтди. Куннинг иккинчи ярмида эса «Олтин водий» тўйхонасида байрам иштирокчилари ва меҳмонлар шарафига ош берилди. Тўкин дастурхонлар тузалди. Элнинг энг олди санъаткорлари, шоирлари, аскиячилари хизматда бўлдилар. Касаба уюшмларида ишлаган фахрийларнинг барчасига тўй совғалари улашилди.

Жалолобод вилоят касаба уюшмалари кенгаши раисининг муовини Латифжон Аҳмадалиев, Уш вилояти к/у Кенгаши раиси муовини Валижон Мамажонов, Наманган вилояти к/у Кенгаши раиси К. Райимжонов, «Семург» ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти раиси Шуҳратбек Зайнобиддинов, меҳнат фахрийси Дилшода Эшонхўжаева Андижоннинг ардоқли шоираси Турсуной Содиқовалар суз олиб қутлуғ байрам билан муборакбод этдилар. Шеърлар ўқидилар, ҳазил-мутойибалар, рақслар авжга чиқди. Тантаналарда Республика касаба уюшмалари Федерацияси раисининг муовини З. Қодиров иштирок этди ва андижонлик фаолларнинг бир гуруҳига Федерациянинг фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғаларини топширди.

Замира РЎЗИЕВА,
«Ишонч» мухбири.

ҲИММАТ

Фарғона вилояти ҳокимлиги ва касаба уюшмалари кенгаши томонидан аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоялашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, Қувадаги «Иброҳимбек» ҳиссадорлик тикувчилик жамияти раҳбарияти ва касаба уюшмаси қарорига биноан мустақиллик байрами муносабати билан кўп фарзандли ишчи аёлларга 2 ярим минг сўмдан 5 минг сўмгача мукофот пули бериш мўлжалланяпти.

Бундай ҳимматдан ишчилар беҳад миннатдор.

«Ишонч» мухбири.

Иқтисодиёт хабарлари

ЗОМИН туманида иқтисодий ислоҳотлар кенг жабҳаларда олиб бориляпти. Бугунги кунда 100 дан зиёд фермер-деҳқон хўжаликлари фаолият кўрсатяпти. Хусусийлаштириш давом этмоқда. Яқинда «Янги ҳаёт» хўжалигига қарашли ферма ким ошди савдосига қўйилди. Бошланғич баҳоси 337 минг 600 сўм бўлган қорамолчилик фермаси 450 минг сўмга сотилди. Уни ферма бош молшуноси Умарқул Қодиров сотиб олишга муваффақ бўлди.

Хусусий ферма жамоаси қишловга тайёргарлик кўриш, мўл хашак жамғариш, давлатга режадагидан зиёд маҳсулот етказиб бериш учун бел боғлаган.

А. ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири.

***

ТОШКЕНТ вилоятининг Тўйтепа шаҳрида очилган хусусий новвойхона хизматидан харидорлар мамнун. Уларга мунтазам равишда иссиқ, бўрсилдоқ нонлар етказиб берилмоқда. Маҳсулот сифатли, хуштаъм бўлганлиги учун савдо пештахталарида узоқ турмайди.

— Ишчиларимиз новвойлик касбига меҳр қўйишган, — дейди корхона бошлиғи Ёқуб Анорбоев. — Уларнинг ғайрати ва ҳиммати таҳсинга лойиқ. Олий навли ундан тайёрланган нонларимиз чиройли ва мазали бўляпти. Аҳоли талабига қараб бошқа турдаги нон ва нон маҳсулотларини ҳам ишлаб чиқарувчи цех очишга ҳаракат қиляпмиз.

Т. ҲАЙДАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

САВДО ДЎКОНИ: У ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?
(14-дарс)

Маълумки, ишлаб чиқарилган маҳсулот савдо дуконлари орқали истеъмолчиларга етказиб берилади. Шу маънода савдо ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчини узаро боғлайдиган муҳим бўғиндир. Ундан ташқари савдо тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга маҳсулотни сотишга, истеъмолчиларга уни олишга кўмаклашади.

Савдо орқали маҳсулотга бўлган эҳтиёж, унинг сифати, нархи тўғрисидаги фикр-мулоҳазани ўрганишга, йўл қўйилган камчиликларни тезкорлик билан бартараф этишга имкон яратилади.

Иқтисоднинг муқобил ривожланиб бориши савдо-сотиқ ишларини такомиллаштиришга бевосита таъсир кўрсатади ва аксинча, савдо ҳам ўз йўлида иқтисодий юксалишга муҳим омил бахш этади.

Иқтисодий ислоҳот туфайли бу тармоқ давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилмоқда. Ҳозирги кунда савдо ташкилотлари хусусий, жамоа, ҳиссадорлик, аралаш мулк шаклларига ўтказилганлиги фикримиз далилидир.

Илгари давлат мулки бўлган катта-катта универмаглар ҳиссадорлик корхоналарига, район, шаҳар, вилоят савдо бошқармалари эса савдо уюшмаларига айлантирилди. Кўплаб хонадонлар ўзларининг оилавий дуконларини очдилар. Утиш даврида савдо шаҳобчалари бир мунча ривожланди, уларнинг миқдори ҳам анча кўпайди. Шунингдек, бир қанча хорижий сармоядорлар ҳам ўзларининг савдо фирмалари, дуконларини очмоқдалар.

Ҳозирги кунда савдонинг улгуржи ва чакана турлари оммалашмоқда. Биржа орқали ҳом ашё, ёқилғи, қўчмас мулк, тайёр маҳсулот билан савдо қилиш ҳам анча ривожланиб бораяпти.

Утиш даврида савдо-сотиқ билан шуғулланиш яхши самара бераётган ишбилармонлик тури ҳисобланади. Бу иш билан ҳар бир оила ё ижарага дукон олиб, ёхуд узининг шахсий дукони орқали шуғулланиши мумкин.

Савдо-сотиқни йўлга қўйишда энг муҳими дастмоя топиш масаласидир. Одатда дастмоя банкдан, ё бирор пулдордан фоиз тўлаш эвазига олинади. Савдонинг, иқтисодиёт таркибининг шаклланиши ва унинг ривожланишига таъсирини ҳисобга олиб, АҚШ ҳукумати савдо-сотиқ билан шуғулланувчи ишбилармонларга бир қатор имтиёзлар яратган. Жумладан, 30 кунда қайтариш шарти билан 2 фоиз даромад эвазига сармоя берилади. Сармоя миқдори чекланмаган. Туланадиган даромад фоизи сармоя миқдорига боғлиқ ҳам эмас.

Савдо ва саноат бир-бирига узвий боғлиқ бўлиб, савдонинг ривожланиши саноатнинг тараққиётига йўл очади. Чунки саноат ишлаб чиқаришга оид барча буюртмаларни савдо орқали олади.

Аҳолининг кундалик эҳтиёжи савдода ўз аксини топиб, маҳсулот ишлаб

ОИЛА БЮДЖЕТИ: ДАРОМАД ВА БУРОМАД

чиқарувчи фирма, компанияларга етказилади. Ҳозирги кунда АҚШда 6 миллиондан кўпроқ савдо-саноат бирлашмалари мавжуд. Кўпчилик савдо ташкилотлари кичик корхона шаклида бўлиб, якка шахсга тегишлидир.

Фақат озиқ-овқат ва ичимлик суғи сотадиган дукончалар 500 мингтани, автомобилларга техник қаров ўтказадиган станциялар 250 мингтани ташкил этади. Шунингдек, 60 мингдан зиёд дорихоналар мавжуд. Рўйхатдан ўтган савдо ташкилотларининг 50 фоиздан кўпроғи чакана, қолганлари улгуржи савдо билан шуғулланадилар, Савдо бу корхонадан мол харид қилиб, бозорга олиб бориб сотиш эмас. Савдо бизнеси билан шуғулланиш учун ҳам пухта тайёргарлик лозим. Бунда бозор талабини мукаммал ўрганиш, харидоргир молни кўтарасига оладиган манбаани топиш, ундан сўнг эса олинган молни чакана нархда сотадиган бозорни танлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозир одатда кўпчилик оилалар кичкина дукон очиб унда резина сақич, ичимлик сувлари, папирос, печенье, конфет, шоколад, тиш ювадиган чўтка, паста ва ҳар хил пайпоқ, тароқ, ички кийимлар сотиш билан шуғулланадилар. Бу унчалик фойда келтирмайди. Савдода пул топиш қийин. Яхшиси катта миқёсдаги тижорат билан шуғулланган маъқул.

Бизда чет давлатлардаги тижоратчилар билан алоқа боғлаб, кутарасига тайёр кийимлар, матолар олиб келиб, кутарасига сотаётган ишбилармонлар талайгина. Энг муҳими, бунда пул тез айланади. қолаверса молнинг миқдори кўплиги туфайли устига 10-15 фоиз устама қўйилганда ҳам даромад миқдори юқори булади. Даромаднинг узи нима? Молни кутара олиб, чакана нархда сотиш орасидаги тафовут — бу савдогарнинг даромади, солиқ суммаси тўланганидан кейин қолгани соф даромаддир.

Савдо-сотиқ билан шуғулланадиган тижоратчилар бир неча йўналишда иш олиб борсалар, асло ютқазмайдилар.

Биринчи йўналиш: дастмояга кутара мол олиб, чакана нархда сотиш. Бунда олди-сотди ишини узлуксиз олиб бориш мумкин. Иккинчи усул: мол эгаси чакана савдо билан шуғулланувчиларга уз маҳсулотини келишилган нархда беради. Лекин ҳисоб-китоб мол сотилиб бўлинганидан кейин амалга оширилади. Бу усул билан ҳозир кўпроқ ҳорижий тижоратчилар шуғулланишмоқда. Албатта, уларга бизнинг сумимиз эмас, доллар керак. Ҳозирча бу масалада муаммо сезилаётгани йўқ. Чунки, давлатимиз уларга сўмларни расмий белгиланган курсаткич бўйича долларга айирбошлаш имкониятини яратиб берган.

Президентимизнинг шу йил 1 июлдаги фармойишига асосан сўмни долларга чекламаган миқдорда айирбошлашга ўтилиши савдонинг янада тезроқ ривожланишига ва республикамизга четдан кўплаб мол келтирилишига шароит яратди. Бу ҳол ички бозордаги рақобатни кучайтириб, Узбекистон саноатини сифатли, рақобатдош мол ишлаб чиқаришга мажбур қилиши табиий. Акс ҳолда сифатсиз маҳсулот тайёрлайдиган корхоналар, фирма, компаниялар синиб, инқирозга юз тутиши турган гап.

Тажриба кўрсатадики, савдо-сотиқ билан шуғулланадиган оилалар уз ҳолича ривожланолмайди. Улар кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган корхоналар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйишлари муҳимдир.

Бунда, айтайлик, бир йиллик шартнома тузиб, ҳар ойда олинадиган маҳсулот миқдорини белгилаш, уларни чакана сотиш орқали катта даромадга эга булиш мумкин. Бир неча кичик дуконларнинг иши таҳлил қилинганда, шу нарса маълум бўлдики, улар ҳар ойда ўртача 12-15 минг сўмлик товар харид қилиб, 2,5-3 минг сўмлик соф фойда олар эканлар. Бу иш ҳам ҳар кимнинг қўлидан келавермайди. Тижорат билан жиддий шуғулланиш учун етарли билим, тажриба, эпчиллик, пул-товар муомаласини яхши тушуниш, самимий муомала талаб этилади. Акс ҳолда қуйиб қолиш ҳеч гап эмас.

Қадимда Узбекистон ҳудудидан «Буюк ипак йўли» утганлиги маълум. Узбек халқи азалдан савдога яқин ва унинг сирларини яхши биладиган халқ. Айниқса, Андижон, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Хоразмда бу борада бой ва катта тажриба тупланган. Ота-боболаримиз анъаналари бугунги авлодлар фаолиятида тўла намоён булаётир. Шунинг учун бозорларимиз обод, дуконларимиз молга сероб.

Савдо билан шуғулланиш учун тобора кенг имкониятлар очилмоқда. Бугун ишбилармонлар шериклик асосида ҳам иш олиб боришлари мумкин. Масалан, иккита киши ўртада пул тикиб, бири мол етказиб берса, иккинчиси уни сотиб туради. Даромад тикилган пулнинг улушига қараб тақсимланади. Мободо ишдан зарар кўрилса, бу ҳам ўртада булади. Савдода муваффақиятга эришиш учун мол олиб келиб, уни дуконда ёки бозорда сотишнинг узи етарли эмас. Тижоратни ривожлантириш учун харидорлар талабини ўрганиб бориш, уларни уз вақтида қондиришга ҳаракат қилиш, реклама билан шуғулланиш лозим. Иш миқёслари кенгайгач, радио, телевидение, матбуот саҳифаларида мунтазам реклама бериб бориш катта самара келтиради. Тажриба шуни кўрсатадики, бунинг учун сарф қилинган ҳар бир сўм 80-100 сўмлик маҳсулот сотилишини таъминлар экан. Кўпчилик хорижий фирмалар савдо ишларига коммивояжерлар (уйма-уй юриб товар сотувчилар)ни жалб қилишади. Масалан, АҚШнинг «Эйвон» фирмасида 650 мингта аёл хизмат қилади. Улар уйма-уй юриб турли буюмларни сотадилар. Зарур буюртмаларни узоғи билан 1-2 кунда етказиб берадилар. Шу йўл билан жуда кўп маҳсулот сотилади. Бизда ҳам телефон орқали озиқ-овқат, атторлик буюмларига буюртма олиб, уни эгаларига етказиб беришни йўлга қўйиш мумкин.

Савдонинг самарадорлигини ошириш яна бир неча омилларга боғлиқ. Чунончи, маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайган сари, ҳаражатларни камайтириш, нархни пасайтириш, сифат кўрсаттичларини мунтазам яхшилаб боришдир.

Харидорларга қулайлик яратиш, уларни рағбатлантириш ҳам катта аҳамиятга эга. Хорижда харидор нима олмасин, аввало уша мол чиройли халтага солиб берилади, кейин, албатта раҳмат айтилади. Қолаверса олинган молнинг қийматига қараб совға берилади. Масалан, бир киши 10 дона эркаклар кўйлагини олса, бир дона кўйлак бепул берилади ва ҳоказо. Бизда ҳам бу ишларни йўлга қўйса булади. Мақсад аҳолининг ўсиб бораётган талаб-эҳтиёжларини қондириш, савдо маданиятини ошириш орқали турмуш фаровонлигини таъминлашдир.

Абдуқодир ўғли АБДУСАДИР,
иқтисод фанлари доктори,
профессор.

Меҳнат биржаларида

ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Аҳолини иш билан таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш Узбекистон Республикасининг қатор қонунларида ўз ифодасини топган. Жумладан, Узбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуни эълон қилинганига тўрт йилдан ошди. Ушбу қонун бозор иқтисодиёти шароитида инсоннинг ишли бўлиш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришнинг ташкилий, ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий кафолатларини белгираб берган.

Вилоятимизнинг шаҳар ва туманларидаги 12 жойда аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш меҳнат биржалари фаолият кўрсатмоқда. Уларда ўз касбининг филойилари бўлмиш 167 нафар киши хизмат қилмоқда.

Вилоят меҳнат биржаларининг ана шу ходимлари йил мобайнида асосий эътиборларини иқтисодий узгаришларни ҳисобга олган ҳолда меҳнат ресурсларининг бандлигини тўлароқ таъминлаш иш сураб мурожаат қилган аҳолини ишга жойлаштириш, ишсиз аҳолини ўқитиш, ҳақ тўланадиган умумжамоат ишларини қилиш, «ишсиз»лик нафақасини белгилаб ижтимоий ҳимоялаш, меҳнат биржалари таркибида жамғарма маблағлари ҳисобидан ишчи ўринлари яратишга қаратмоқдалар. Шу билан бирга 1995 йилга мўлжалланган «Бандлик» дастурининг бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиш, икки фоизли мажбурий ажратмаларнинг тўпланишини ҳамда ундан унумли фойдаланишни назорат қилиш, Республика Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳаларида чиқарган фармон ва қарорларининг бажарилиши масалалари юзасидан мунтазам иш олиб борилмоқда.

Ҳозирга қадар шаҳар ва туман меҳнат биржаларига вилоятимиз фуқароларидан 3750 киши иш сураб мурожаат қилди, шундан 2366 киши халқ хўжалигининг турли тармоқларига ишга жойлаштирилди, 1061 киши ёшлардан иборат.

Вилоятимиз бўйича меҳнат бозорида рақобатга бардош бера олмайдиган фуқароларга шаҳар ва туман ҳокимликларининг қарорига асосан, 1995 йилда 128 та ташкилот ва корхоналардан 3611 та КВОТа ўринлари ажратилган, шундан 108 таси ногиронлар учундир. Бу КВОТа ўринларига жами 701 киши ишга жойлаштирилди, шундан 500 киши меҳнат биржалари ёрдами орқали иш билан таъминланди. 367 та ташкилот ва корхоналар узининг мулкчилик шаклини узгартирганлиги сабабли 169 киши ишдан бўшатилган. Вилоятимиз бўйича 1995 йил беш ой мобайнида 993 та янги ишчи ўринлари барпо қилинди.

Жойларда иш сураб мурожаат қилганларнинг 60 фоизидан кўпроғини ёшлар ташкил қилмоқда. Ёшларни ҳунарли қилиш учун қисқа муддатли курслар ташкил этилаяпти. Пахтакор, Жиззах, Зафаробод, Мирзачўл, Ғаллаорол туманларида ва Жиззах шаҳрида ташкил этилган тикувчилик, радио, телевизор усталари, ёрдамчи тарбиячилар, пойафзал таъмирловчи, соатсозлик усталари, устки буюмлар тикувчилари тайёрлаш курсларида ўқиган кўпгина ёшлар ҳунар эгалари бўлиб чиқишди ва улар ишга жойлаштирилди.

Вилоят меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармасида жамғарма маблағлари ҳисобидан меҳнат биржалари таркибида II та кичик корхоналар барпо этилган бўлиб, уларда 244 та ишчи ўринлари ташкил этилди.

Бу кичик корхоналардан 9 тасида ҳар хил халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилади. Жамғармадан таъсис фонди ва молиявий ёрдам сифатида кичик корхоналарга 165 минг сўм сарфланди. Меҳнат биржалари таркибидаги «Меҳнаткаш» кичик корхонаси бугунги кунда курпа-ёстиқ жилдлари, катталар ва болалар кийим-кечаклари, халатлар, «Оқбулоқ» кичик корхонаси эшик ва деразалар, «Кенжабек» кичик корхонаси гилам ва палослар, «Садоқат» кичик корхонаси ҳар хил кийим-кечаклар, «Турон» кичик корхонаси болалар курткалари, шим ва кўйлаклар ҳамда бошқа турдаги халқ истеъмол моллари ишлаб чиқармоқда ва аҳолига сотмоқда.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш вилоят бўйича 103,2 фоизга етди. Давлат тасарруфида хизмат қилаётган ишчилар 41,8 фоизни, нодавлат ташкилотларида эса 21 фоизни, хусусий корхоналарда II фоизни ташкил этди. Деҳқон фермер хўжаликларини хусусийлаштиришнинг ўсиш суръати 193 фоизга етди. Ёки 648 та хўжалик ортиқча хусусийлаштирилди.

Вилоят меҳнат биржаси қошида аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғарма булими мавжуд.

Бу жамғарма мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидан қатъий назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, кооперативлар ва бошқа иш берувчиларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг 2 фоизни мажбурий ажратмалари ҳисобига кўпайиб, бойиб бормоқда. Ана шу ажратмалар умумий миқдори уч миллион 349 минг 545 сўм булиб, вилоят марказий банкида йиғилгани 2 миллион 697 минг сўмни ташкил этди.

Шу кунларда вилоят меҳнат бошқармаси ва унинг жойлардаги қўйи тизимлари ходимлари ҳукуматимиз бошқармаси томонидан чиқарилган аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги фармон ва қарорларининг ҳудудларда бажарилишини таъминлашда фаол иштирок этмоқда. Жумладан, кам таъминланган оилаларга ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш бўйича «Маҳалла» жамғармаси, молия идораси ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

С. ХОЛМАТОВ,
Жиззах вилоят аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи.

Долзарб мавзу

ҚАРЗИНГИЗНИ ҚАЧОН УЗАСИЗ?

Фарғона вилоятининг қатор жамоа хўжаликларида, саноат корхоналарида бўлганимда одамларнинг ёлчитиб маош олмаётганликлари ҳақидаги шикоятларини эшитиб ҳам ачиндим, ҳам ажабландим. Ахир улар меҳнат қилишаяпти, маҳсулот ишлаб чиқаришяпти-ку. Нима бўлаяпти ўзи?

Шуларни ўйлар эканман, Республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг телевидение орқали олиб кўрсатилган Вазирлар Маҳкамасидаги нутқлари ҳаёлимдан кечди. Худди шу мавзуда юртбошимиз қуйиниб гапирганлиги. Журналистларни бу ҳолатни чуқурроқ ўрганиб, холисона фикр юритиш, одамларнинг шундай ҳам таранг асабларига ўйнамай, муаммони ҳал этиш йўлларини излашга даъват этганлиги. Баҳоли-қудрат шу муаммони ўрганишга аҳд қилдим.

Фарғона пиллакашлик фабрикаси бугун «Буюк ипак йўли» ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган. Улкан цехларда иш қизғин. 1-йигирув цехида 300 дан ошиқ хотин-қизлар дастгоҳлар ёнида қатор туриб, қўллари-қўлларига тегмай ишлашяпти. Пилла ҳиди, дастгоҳлар шовқини четдан келган кишига дарров таъсир қилади. 40-45 даражадаги сувда ивитилган пилладан ажралиб чиқаётган минглаб кўз илғамас толаларни тез, иллам илиб олиб, пешма-пеш дастгоҳларга улаётган нозик бармоқлар асло тиним билмайди. Ғалтаклар қумуш толаларга тўлиб боради.

45 ёшлардаги Озода Муллажонова билан сурашиб, уни суҳбатга тортаман. У қўлини ишдан узмай жавоб беради:

— Нормани бажараяпмиз. 18 йилдан бери шу ерда ишлайман.

— Маош шунга ярашами? Ойига неча сўм олаяпсиз?

Саволим жавобсиз қолди.

Бирин-кетин бошқа аёллар билан ҳам гурунглашаман.

— Бугун директорга кирмоқчи эдик, Тошкентга кетибдилар. Э, айтавериб чарчадик. Эрта-индин болалар мактабга бориши керак. Кийим-кечак, ўқув қуроллари дегандек... Ойлик ўлда-жўлда.

23 йилдан бери шу корхонада ишлаб келаётган Мукаррам Акбарова, Манзурахон Турсунова, Муқима Эминова, Ҳимоят Сатторова ва бошқаларнинг ҳам фикри битта — маош ўз вақтида тегса.

Лекин бизни ҳаяжонга солган нарса бошқа. Меҳнаткаш, орияти баланд халқимиз вакиллари — ипакчи аёллар ғайрат билан, иштиёқ билан ишлашяпти. Улар бу қийинчиликлар ўтиб кетишига, яхши кунлар келишига ишонишади. Шунинг учун ҳам ҳеч кимда тушкунлик кайфиятини сезмадик.

— Тўғри, дейди меҳнатга ҳақ тўлаш бўлими мудири ўринбосари Ольга Павловна Чашина, — ишчилардан катта қарзимиз бор. Чунки банк нақд пул бермаяпти. Маҳсулотларимизни харид қилган корхоналардан ҳам бирон нажот йўқ. Масалан, Маргилон «Атлас» фирмаси биздан 33 миллион сўм, Маргилон ипак комбинати 16 миллион сўм қарз ва ҳоказо. Пулимиз йўқлиги учун ўзимиз ҳам бошқа корхоналардан қарздормиз. У ёғини ўзингиз тушуниб олаверинг.

Бош ҳисобчи ўринбосари Нина Ивановна Лонинани учратдик. У келди-кетдиллару, текшир-текширлардан чарчаганини айтади. Ва «Ишчиларга май, июнь, июль ойлари учун маош тўланмагани» ҳақида далолатнома ёзиб беради.

Цехларда тик оёқда турганча ишлаётганларнинг деярли ҳаммаси хотин-қизлар. Бола-чақалик, оилалик, камида беш-олти нафар ўғил-қизни едириб-ичириб, ўқитаётган аёллар. Биров қиз узатиши, яна биров ўғил уйлантириши, уй қуриши керак. Бундай орзу-ҳаваслари балким Лонина юракдан ҳис этмаётгандир?

Бошлаб ишлаб чиқарилади. Лекин ана шу маҳсулотнинг пулидан дарак йўқ.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Орифжон Холматов бу воқеани шундай изоҳлайди:

— Очиғи, бугунги бозор иқтисоди шароитида бир хил маҳсулотни катта ҳажмда ишлаб чиқариш зарурати қолмаётганга ўхшайди. Қолаверса, корхоналаги дастгоҳлар эскирган. Уларнинг ўрнатилганига 50-60 йил бўлган. Шунинг учун хом-ашё сифатига путур етаяпти. Энди омборларда босилиб ётган ипагу атласларининг нархини арзонлаштиришга мажбурмиз. Маҳсулотларимизнинг харидоргирлигини ошириш учун аввало дастгоҳларни янгилаш замонавий технологияни жорий этиш, қатнаб ишлаётганлар учун жойларда кичик-кичик корхоналар очиш мақсадга мувофиқ. Бу борада оқилона талбиркорлик, зукколик зарур...

Буларни тингларканман, ҳурматли Президентимизнинг ойнайи жаҳондан айтган гаплари яна қулоқларим остида жаранглайди. Эндиликда меҳнат жамоаси раҳбари фақат маҳсулот ишлаб чиқариш ҳақида қайгурибгина қолмай, энг аввало, шу маҳсулотни тўлиқ пуллаш мумкинлиги ёки йўқлигини, унинг тайинли харидорини аниқ билиши, яъни бозор талабларига мослаб маҳсулот чиқаришни ташкил эта олиши керак. «Ҳисобини билмаган — ҳамёнидан айрилар» деган мақол эндиликда раҳбарнинг ҳам, тадбиркорнинг ҳам, ҳар бир меҳнатчининг ҳам ҳар дақиқа ёдида туриши керак.

Энди ҳиссадорлик жамиятига келсак, фақат бир турдаги маҳсулот билан омборларни тўлдиравермай, унинг хилларини кўпайтириш, технологияни янгилаб сифатини ошириш, таннархни арзонлаштиришни ўйлаш, бунинг учун бақувват ва талбиркор шериклар топиш чораларини зудлик билан кўриш керак.

Қасаба уюшма қўмитаси ҳам юқоридаги таклифларнинг тезроқ амалга ошишига амалий ёрдам бериши, жамоанинг илғор кучларини муаммоларни ҳал этишга сафарбар қилиши зарур. Юқоридан келадиган кўмакка кўз тикиш, боқимандалик кайфиятидан қутилиш керак. «Олма пиш — оғзимга туш» дейдиган пайтлар энди ўтиб кетган.

Ишлаб чиқариш ташкилотчиларига, ҳиссадорлик жамияти раҳбарларига, мутахассисларга яна бир бор эслатиб қўйиш ўринли деб ҳисоблаймиз: Бозорнинг ўз қонунлари бор. Бугун эскича услубда ишлаган, боридан барака кутиб ўтирган, ҳар куни, ҳар соатда ишланмаган раҳбар жамоа олдида қарздор бўлиб қолаверади. Қарзни эса, эртами-кечми, барибир, узиш керак. Ёҳуд мутасадди раҳбарлар масалани бошқача тушунишармикин?

Санъат МАҲМУДОВА,
«Ишонч» мухбири

Одамийлик сабоқлари

САБР ҚИЛСАНГ ЕТАРСАН МУРОДГА...

Сабр-тоқат инсоннинг энг зарур ахлоқий сифатларидан бири бўлиб, уни олийжаноб мақсадлар сари боришга ундайди, ўз фаолиятини режали, босқичма-босқич амалга оширишига ёрдам беради. Сабр-тоқат қаноат, ризо бўлиш, нафсни тийиш каби тушунчалар билан муштарак-дир. Сабрсизлик, ризо бўлмаслик, нафсни тиймаслик, қаноатсизлик эса бунинг акси.

Тилаган нарсанинг бўлмай қолувига ёки бир ишнинг амалга ошмай қолувига қарши туриб, уни рўёбга чиқариш учун чидамоқ сабр белгисидир. Урта Осиёнинг атоқли олимаси Фахр ул Банот Сибғатуллоҳ қизи ўзининг «Оила сабоқлари» мавзусидаги рисоласида (Тошкент, «Ёзувчи» нашриёти 1992 й.) «Сабр энг мақтовли ва қўркам хулқларнинг биридир. Сабр мақсудларнинг очқич калитидир. Сабрлик бирла ҳар бир муродларга эришув мумкин бўлур», деб таъкидлайди.

Психолог олимларнинг фикрича, кишининг иродаси муайян мақсадни кўзлашда, мустақиллиқда, қатъиятлиликда, саботлиликда, сабр-бардошлик ва ўзини тута билишликда намоён бўлади. Дилдаги орзу-ниятнинг кишининг сабр-бардоши, иродавий қобилияти, имон-эътиқоди ва меҳнати билан амалга ошади. Меҳнатда эришилган ҳар қандай муваффақият, шахсий ҳурмат сабр-тоқат билан қилинган иродавий ҳаракатларнинг маҳсулидир. Ижтимоий-иқтисодий, мафкуравий ишлардаги ҳар бир зафар сабр-матонат ва қатъият билан олиб бориладиган ишларимизга боғлиқ.

Сабр-бардош кишининг ўз-ўзини қўлга ола билиши, хатти-ҳаракатлари, кайфияти ва муомаласи, айниқса қийинчилик пайтларида, муваффақиятсизликка учраганда ёки қувончли кезларда ўзини хотиржам тута билишида кўринади. Юксак ахлоқли шахс ўзини-ўзи идора қила билган кишидир. «Сабр этган етар муродга, бесабрлар қолар уятга, деган халқ мақоли бекорга айтилмаган. Ҳиссиётларни тия билган ошиқ ўз маъшуқасига эришган. Чидамли, доно, қадрини билган қиз ўз бахтини топган.

Қуръони Каримда «Аллоҳ таоло сабр этувчи бандалари билан биргадир», деб буюрилгандир.

Қуръон сураларидан бири — «Юсуф»да сабр-тоқат қилиб, иймонликни мустаҳкам ушлаганларга равнақ берилиши, тақдирнинг зарбига чидаганларнинг шафоат қуриши баён этилган, яъни Юсуф пайғамбар барча қийинчиликларга бардош берганлиги учун Аллоҳ унга қулликдан то подшоликкача мансаб ато этган.

Юсуф алайҳис-салом ҳатто Зулайҳодан ишқ розилигини эшитганда ҳам унга рад жавобини бериб, мардонаворлик билан сабр-тоқат қилган.

Юсуфдаги бу ахлоқийликни шоир Дурбек:

«Юсуф эрур суҳбатида субҳу шан,
Сабр била еткасен андин баком.
Сабр била тангри берур коми дил,
Сабр қилу, сабр қилу, сабр қил, — деб таърифлаган эди.

Қуръони карим ва ҳадиси шарифда сабр-тоқат ҳақида кўп ривоятлар бор. Мусулмонлар учун рамазон ойида ўттиз кун руза тутишнинг фарз қилиб қўйилишидан мақсад инсонда нафсни тийиш, сабрли бўлиш руҳини тарбиялашдан иборат. Руза тутиш маросими орқали мўминлар саломатлигини яхшилаш, уларни ножўя ишлардан қайтариш, иродасини мустаҳкамлаш ҳамда бева-бечора, ночор-нотавон кишиларнинг аҳволи, руҳиятини тушуниб олишларига кумаклашиш нияти ҳам кўзда тутилган.

— Аллоҳдан қўрқиб, унга итоатда яшаш мўминларда сабр-тоқатни тарбиялаган. Бу жараёнда инсондаги покизалик, саҳийлик, меҳр-шафқат ҳислатлари такомиллашиб борган.

Сабр-тоқатда нафсни тийиш муҳимдир. Доно халқимиз «Нафсини тийган султон, нафсини тиймаган ултон (ит)» деб бежиз айтмаган.

Нафс аввало инсоний ғурурни, ақлу ҳушни, сунг имону эътиқодни барбод қилади.

Одам боласи нафс тузоғига илиндими, у дунёдаги барча ғазаллик ва эзгуликдан маҳрум бўлиб, разолат сари қадам қўяди. Барча иллатлар — нашабозлик, ўғрилик, қотиллик нафси бузуқликдан келиб чиқади.

Атоқли маърифатпарвар аллома Абдулла Авлоний: «агар бир киши ёшликдан бошлаб нафси бузилиб тарбия қилиндими, «Оллоҳу акбар», бундай кишилардан яхшилик кутманг, ердан туриб юлдузларга қўл урмак кабидир», деб таъкидлайдилар.

«Нафси бузуқ ҳайитда улар» бу ҳикматнинг ҳам маъноси кенг. Унда очкўзлик билан ҳамма нарсани ўзиники қилиб олувчи, бировнинг ҳақини ейишдан, ҳеч бир ҳиёнатдан тап тортмайдиган нафси бузуқ одамлар кўзда тутилади.

Нафсини жиловлаб, уни ўз измига бўйсундирган кишигина инсоф-диёнатни ҳамма нарсадан устун қўяди. Инсофли одамнинг бошига бахт қуши қўниши муқаррардир. Бундай одам комилликка эриша боради. Комил инсон ҳар қандай муваффақиятга эришганда ҳам ўз ватанини, қарияларни, ота-оналарини, ёнатрофидаги нажотталаб кишиларни унутмайди.

Ёшларимиз республика мустақиллигини мустаҳкамламоқ учун ўзларида иродавий кучни шакллантирмоқлари, сабр-тоқат билан ижодий меҳнат қилмоқлари керак. Улар Амир Темур ўгитларини яхшилаб билиб олишлари лозим. Улуғ бобомиз: «Кам енглар — очарчилик қурмасдан бой-бадавлат яшайсизлар, кам ухланглар — мукаммалликка эришасизлар, кам гапирингланг — доно буласизлар», дея насиҳат қилганларки, бунинг замирида қатта ҳаётий тажриба мужассам. Ҳа, шундай, азизлар. Сабрли кишиларга Аллоҳнинг ўзи иноят курсатади.

Жалолиддин ҲАСАНБОЕВ,
педагогика фанлари доктори.

Ҳадислар
САБР ХУСУСИДА

** Имоннинг афзали сабрлилик ва ўтимлиликдир.*

** Кимки исломга кириб, ризқи кифоя қилгудек бўлиб, унга қаноат қилса, нажот топади (охиратда).*

** Ким мусибатга сабр қилса, Аллоҳ ўрнини босувчи яхшилик беради. Ким шуҳратталаб бўлса, Аллоҳ унинг шуҳратини беради (лекин савоб бермайди). Ким сабр қилса, Аллоҳ ажрини кўпайтиради.*

«Илоҳи мени ва уммматимни кечир, мағфират қил», — деб уч марта айтдилар. Ўзимизни ва сизларни Аллоҳ мағфират қилишини сўрайман.

** Аллоҳ Таоло ёмон қўшниси бўлиб, қўшнидан етган озорга сабр этган (савоб умидида) бандани яхши кўради.*

Сабр деб мусибатга йўлиққан аввалги дақиқаларда ўзини ушлашга айтилади.

** Бахтли киши фитналардан йироқ бўлган ва мусибат етганда сабр қилган кишидир.*

** Бандланинг эҳтиёжи ва сарф-харажатига қараб Аллоҳдан ёрдам келади. Бандага сабр ҳам Аллоҳ Таолодан етган мусибат даражасига қараб берилади.*

** Одамлар ичида мен ҳавас қилган киши оилавий ташвиши озроқ, намоз ўқийдиган, раббимга яхши ибодат қиладиган, ичида Аллоҳга итоати бор, одамлар орасида шуҳрати қамроқ, кишилар уни бир-бирига бармоғи билан кўрсатмайдиган, ризқи ҳам кифоя қилгудек бўлиб, унга сабр қиладиган вафоти ҳам осонгина, тезгина бўладиган, орқасидан йиғлайдиганлари ҳам, қолдирган мероси ҳам оз бўлган мўмин кишидир.*

Тўпловчи Н. ҲАСАНОВА.

НАМАНГАННИНГ БОШ ОРОМГОҲИ

Вилоят миқёсида, Янгиқўрғон тумани ҳудудида ва ниҳоят, Кўксарой, Бўспу, Почча-ота тоғларига туташ жаннатмакон Нанай қишлоғининг ўзида ҳордиқ масканлари кўп. Лекин «Пахтачи» дам олиш уйи улар орасида ўзгача ўрин эгаллайди. Шу боисданми кўплар уни Наманганнинг бош оромгоҳи дейишади.

— Йўқса, ёз мавсумининг дастлабки кунлариданоқ одамлар гуруҳ-гуруҳ кела бошлашармиди, — дейди шу мавзуда гап кетганда Наманган шаҳарлик уруш қатнашчиси Абдулла ака Иномов. — Аввало, табиат ато этган ҳислатлари сероб бу масканнинг, шалдираб оқаётган Почча-ота сойи сувининг шабадаси, тоғлар салқини ҳузур бағишлайди. Анча баландликда, собиқ адирлик ўрнида жойлашганидан ҳавоси ғоят тоза, нафас олсангиз ўпкангиз қаймоқ ютаётгандек бўлади. Бошлиғи Сатимбой Тўхтасиновдан тортиб барча хизматчиларигача ширин сўз, хушмуомала. Бугунги мураккаб иқтисодий шароитда ҳам ошхонасидаги овқатларнинг мазаси-ю, тури чакки эмас. Хуллас, ташриф буюрган киши асло афсусланмайди.

Дарҳақиқат, Фарғона водийсининг энг ғўзал ғўшаларидан биридан ўрин топган ушбу ором масканининг таърифи узоқларга етиб борган. Шунинг учун ҳам Яратганнинг назари тушган бу ерда ёз ойлари наманганликлардан ташқари қўшни вилоятлар ва пойтахтдан келган олим-у шоирни, муҳандису қурувчини ҳам учратишингиз мумкин. Атрофдаги тоғлару адирликлар, сой сувию, қуюқ дарахтзорлар туфайли ҳавоси доимо мўътадил, вилоят марказида ҳарорат 40 даражадан ошганида ҳам 25-30 даражадан кўтарилмайди.

Бундан салкам 40 йил муқаддам шаҳардаги 2/3 пахта тозалаш корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан сой қирғоғидаги адирликда бир неча чодир тикилиб, вақтинча ҳордиқ чиқаришга мўлжалланган маскан бунёд этилганида унинг қелажакда намунали соғломлаштириш марказига айланиб кетишлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмаган эди. Шу тариқа тоғ ёнбағридаги даштликни ўзлаштириш қадамба-қадам олиб борилди. Ҳозирга келиб 10 гектар майдонни эгаллаган улкан оромгоҳ мажмуаси бунёдга келган. Шу давр ичида экиб кўкартирилган 10 минг тупдан зиёд мевали ва соя берувчи дарахтлар шарқираб оқувчи мусаффо сувли сой соҳилида чинакам бўстон ҳосил қилган. Олдинлари ҳордиқ чиқарувчилар бир қаватли иморатларга, ёғочдан ясалган кўчма уйларга, шунингдек, чодирларга жойлаштирилиб келинган бўлса, 7-8 йил илгари икки қаватли ҳашаматли бино қад кўтарди. Янги ётоқхонада ҳордиқ чиқариб, саломатликни мустаҳкамлаш учун барча шарт-шароит муҳайё. Икки, уч ва тўрт ўринли хоналарга юмшоқ краватлар, стол-стуллар, кийим осгич шкафлар қўйилган, гилам поёндозлар тўшалган, радионуқталар, сув тармоқлари киритилган.

Замонавий меъморчилик талабларини ўзида мужассамлаштирган икки қаватли ва 200 ўринли ошхона биноси шаҳарлардаги муҳташам ресторанларникидан қолишмайди.

Боғбон ва гулчи Исмонжон Ҳайдаровнинг жонкуярлиги туфайли гулзорлар эрта-кеч яшнаб ҳордиқ чиқараётганларга хушкайфият бахшида этаётган бўлса, 30 бош ҳайвон парвариш қилинаётган ёрдамчи хужаликда етиштирилаётган гўшт таомлар сифатини оширмоқда. Мавжуд 60 қути асалари маҳсулоти эса дам олиш уйи иқтисодиётини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шифокор Муҳаммаджон Маҳкамбоев ҳордиқ масканидагилар саломатлигига посбонлик қилиш билан бирга туман миқёсида ҳам биринчилар қаторида муолажада игна қўйиш билан даволаш усулини қўлламоқда. Бош ҳамшира Шириной Мирзалиева ўз иш жойида ҳар дақиқада кумакка тайёрлиги, соҳасининг билимдони эканлиги туфайли ҳурмат қозонмоқда. Масканда, игна муолажасидан ташқари шам ва электр қувватида даволаш ҳам кенг йўлга қўйилган. Спорт майдончаси, биллиард, сауна, ҳар оқшомги намойиш этилажак кинофильмлар, сой бўйидаги чойхоналар дам олувчилар вақтининг қизиқарли кечишини таъминламоқда.

— Ҳордиқ чиқарувчилар учун энг қулайлиги шундаки, — дейди суҳбатда дам олиш уйининг бошлиғи, дастлабки 5 йилда оддий ходим бўлиб ишлаган, кейинги 22 йилдан бери узлуксиз унга раҳбарлик қилиб келаётган Сатимбой Тўхтасинов. — Шундоқ биз билан ёнма-ён ва ўзимизга қарашли «Ғунча» ўқувчилар ором маскани ҳам жойлашган. Ота-оналар ўғил, қизларини «Ғунча»га жойлаштириб ўзлари бемалол ҳордиқ чиқаверишлари ҳам мумкин. Ёшлар оромгоҳида ҳар йилдагидек бу йил ҳам 3 босқичда 600 нафар келажагимиз эгаларини эзги таътилларини қунгилли ўтказишларини режалаштириб қўйганмиз.

Сатимбой ака билан оромгоҳнинг бугунги куни ва муаммолари хусусида гурунглашдик.

— Ҳар мавсумда бизда 12 кунлик муддат билан 2 минг нафар атрофида вилоятимиздан ва бошқа узоқ-яқинлардан келган ишчи-хизматчилар, уруш ҳамда меҳнат фахрийлари ҳордиқ чиқаришади. Бундан ташқари, икки-уч кунлик йўлланма билан 3 минг нафар ишчи-хизматчи жамоа бўлиб келиб-кетишади, — дея давом этди суҳбатдошим. — Бироқ, очиғи баъзи ташкилотларнинг ҳатто, ўтган йилдаги йўлланмалар ҳақини ўтказиб бермаганлиги оқибатида фаолиятимиз қийинлашиб қолмоқда. Агар бу борадаги муаммо тезроқ бартараф этилса, ишимиз янада олдинга силжиган, оромгоҳимиздаги шарт-шароит тағин ҳам яхшиланган бўлур эди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

БУЮК БАЙРАМНИ ҚАРШИЛАБ

Ўзбекистон мустақиллигининг тўрт йиллик байрамига бу сафар ўзига хос байрамлар уланади. Боиси, истиқлол байрамига бағишланган спорт анжуманларининг ташкил этилиши ана шундай руҳиятни юзага келтирмоқда. Хусусан, «Туркистон-умумий уйимиз» шиори остида илк марта уюштирилаётган Марказий Осиё ўйинлари Туронзамин ёшлари ўртасида азалий дўстлик, ҳамкорлик ва бирликни янада мустаҳкамлашда хизмат қилади. Эртага бошланадиган «Президент кубоги» учун халқаро теннис мусобақаси эса истиқлол юртимиз халқаро нуфузини оширишда алоҳида аҳамият касб этиши кутилмоқда.

• «Президент кубоги» ЭНГ КУЧЛИЛАР «ЮНУСОБОД»ДА

Анъанавий равишда иккинчи марта ўтказилаётган мусобақага пухта ҳозирлик кўрилди. Халқаро мусобақалар ўтказишга мўлжалланган «Юнусобод» теннис саройи эртага ҳар қачонгидан ҳам гавжумлашади. Бу ерда жаҳоннинг ўнлаб мамлакатларидан ташриф буюрган 50 дан зиёд теннис устаси саф тортадилар. Улар бош совринни қўлга киритиш, қолаверса, ҳомийлар кўмагида таъсис этилган мукофотларга эга бўлиш учун маҳорат кўрсатадилар. Мукофотлар жамғармаси эса 150 минг доллар қилиб белгиланган. «Ўзенгилсаноат» уюшмаси билан Ўзбекбирлашув энг яхши натижа кўрсатган ёш теннисчи билан фахрли ўринлардан бирини эгаллаган ўзбекистонлик спортчиларга бериш учун енгил машиналар тайёрлаб қўйишган.

Шунингдек, совриндорлик баҳсига халқаро фирма, компания, ассоциация ва корпорациялар ҳам ҳомийлик қилишмоқда. Улар орасида «БАТ», «Винклер», «Агроплюс», «Ўзбексавдо», «Ўзбектуризм», «Коко-кола» ва бошқалар бор.

Бултур ўтказилган мусобақада америкалик Чак Адамс бош совринни қўлга киритган эди. Халқаро мақоми 85-ўрин бўлган бу ўйинчи айни пайтда бошқа мусобақада иштирок этаётганлиги сабабли Тошкентга келолмайдиган бўлди. Зотан, бу сафар иштирок этувчи мамлакатлар сафи кенгайди. Швеция, Польша, Португалия, Болгария, Финляндия теннисчилари биринчи марта юртимизга келишди. Муҳлисларга яхши таниш Андрей Черкасов (Россия) билан Дмитрий Поляков (Украина) Тошкент мусобақасига қизиқиб қолишди. Бу галги мусобақада энг кучли мақомли теннисчи-жаҳон мутахассислари наздида 76-ўринни эгаллаб турган испаниялиқ Джерди Аррис бўлади деб қаралмоқда.

Мусобақада республикамиз вакилларидан Олег Огородов билан Дмитрий Томашевич совринли ўринларга асосий талабгорлар сафида бўлишлари кутилмоқда. Шунингдек, Темур Ғаниев, Вадим Куценко, Темур Хонхужаевлар ҳам мутахассислар ишончини оқлашга ҳаракат қиладилар. Бир ҳафта давом этадиган мусобақа қизғин ва муросасиз баҳсларга бой бўлади. Муҳими, халқаро мусобақа юртимизда теннисни янада оммавийлаштириш, кичик тўп ошуфталари сафини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

• Марказий Осиё ўйинлари МАЙДОНДА ТУРОНЗАМИН ЁШЛАРИ

Тўртинчи марта нишонланаётган истиқлол байрамининг эртасига яна бир ўзига хос йирик мусобақа байроғи кўтарилади. Тошкентда биринчи марта Кичик олимпиада деб юритиладиган мусобақа бошланади. Кичик олимпиада дейилишнинг ҳам маъноси бор. Чунки илк марта қадимий Грециянинг Олимп қишлоғида ўт олдирилган машъала ёрдамида ёндирилган олов «Пахтакор» ўйингоҳида бир ҳафта мобайнида ловуллаб туради.

Бу машъала тафтидан баҳраманд бўлган, руҳланиб жўшқинлик касб этган Туронзамин ёшлари бобокаланларимизга хос ҳаракатлар қилиб, мардона курашадилар. Мусобақанинг тантанали очилишига алоҳида ҳозирлик кўрилмоқда. Бу ерда жонли манзаралар намойиш этилиб қозоқ, тожик, қирғиз, туркман ва ўзбекка хос азалий анъаналар, удумлар ифодаси истиқлол саодати қарсаклари остида намоён бўлади. Туронзамин халқларига хос рақслар ижро этилиб, қўшиқлар куйланиб, оҳанглар тараннум этилади.

Минглан зиёд спортчи 700 дан кўпроқ медаль учун спортнинг 12 тур бўйича узаро баҳслашадилар. Спортчиларга Тошкентдаги энг йирик ўйингоҳлар ва спорт саройлари бериб қўйилади. Мусобақага тайёргарлик кезлари велосипедчилар пойга қиладиган йўллар, беллашувлар ташкил этиладиган саройлар, сузиш учун мўлжалланган ҳавзалар қайта таъмирлаб қўйилди. Бир сўз билан айтганда буюк Турон халқлари ўртасида азалий муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган Марказий Осиё ўйинларининг бетакрор воқеаларга бой бўлиши кутиляпти.

Мирзо АНВАР

ЭЛ ИШИГА КАМАРБАСТА

Шу кунларда пойтахтнинг «Янги Тошкент» маҳалласидаги Йўлдош ошпаз Расулов хонадони ҳар доимдагидан ҳам гавжум. Қариндош-уруғлар, дусту ёронлар, узоқ-яқин таниш-билишлар бу ерга ташриф буюришиб, оила сарбонини муборак 60 ёши билан қутламоқдалар. Табриклаётганлар орасида кўҳна Тошкентнинг Соғбон кўчасида маълуму машҳур булган Расул ошпаз сулоласининг ворислари — Йўлдош аканинг амакилари — Эгамберди ошпаз, Ҳудойберди ошпаз, Раҳимберди ошпаз фарзандлари, набиралари кўпчиликни ташкил этади. Эгамберди ошпазнинг ўғиллари Абдулла ака, Файзулла ошпаз, Раҳматулла ошпаз, Йўлдош аканинг тўғишганлари — Жура, Эргаш, Комил, Омил, Қобил ошпазлар ва уларнинг фарзандлари, Ҳудойберди ошпазнинг зурриётлари — Фатхулла, Ҳуснидин ошпазлар, Раҳимберди ошпаз авлодлари — Алим, Анвар ошпазлар ҳамда уларнинг ўғилларию набиралари ўзларининг жигаргўшаларини чин дилдан муборакбод этмоқдалар.

Йўлдош ака икки асрдан зиёд даврдан бери қадим Тошкент маҳаллаларида дошқозонларда ош дамлаб, эл-юрт меҳру муҳаббатига сазовар бўлиб келаётган, бугунги кунда 60-70 нафар моҳир ошпазни ўз сафига бирлаштириб турган катта сулоланинг муносиб вориси ҳисобланади. У 40 йилдан ортиқ вақтдан бери эл хизматига камарбаста бўлиб келаяпти. Меҳнат фаолиятини Шайхонтоҳур тумани ошхоналар трестининг Навоий кўчасидаги шаҳобчасида бошлаб, шу қадрдон жамоада қариб 10 йил меҳнат қилди. Кейинчалик 20 йил давомида Чилонзор тумани ошхоналар трестининг 6-кварталда жойлашган 16-ошхонасида сидқидил ишлаб, шу ҳудудда меҳнат қилаётган қурувчилар ва бошқа ҳуқуқларнинг ҳурмат эътиборини қозонди. У узининг меҳнат фаолияти давомида қурултой, ҳосил байрами ва бошқа республика миқёсида ўтказиладиган тадбирларда жуда кўп марта силқидил хизмат кўрсатиб, кенг жамоатчиликнинг эътирофига сазовор бўлган. У ошхоналарда меҳнат қилиш билан бирга тўй ва бошқа маросимларда катта дошқозонларда ош дамлаб, эл-юртнинг меҳру муҳаббатини қозониб келмоқда.

Машҳур ошпазлар сулоласи узининг қўлуғ анъаналарига ҳамиша содиқ бўлаётир. Йўлдош ака беш ака-укаси билан ошпаз бўлиб етишиб, катта довруг қозонишганди. Унинг олти ўғли — Ғофур, Ғаффор, Зафар, Бахтиёр, Баҳром, Аҳрор ҳам ота-бувалари касбини эгаллашди. Бугунги кунда катта хоналон аъзолари қаторига 23 нафар набира ҳам қўшилган. Улардан ўсмир ёшига етган 2-3 нафари бувалари ва оталари ёнига кириб, ошпазлик сир-асрорларини қунт билан ўрганишмоқда. Улар ҳам аждодлари — Расул ошпаз, Раҳмонберди ошпаз, бувалари Йўлдош ошпаз ва оталари сингари эл ишига камарбаста бўлишларига шак-шубҳа йўқ.

С.САЙДАЛИЕВ,
Суратда: моҳир ошпаз Йўлдош Расулов. Н.МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ●

«Тошуйжойинвестқурилиш» корпорациясига қарашли «Автотаъмирлаш» ҳиссадорлик жамияти қуйидаги техникаларнинг ярим прицепларини тайёрлаш, сотиш ва капитал таъмирлаш юзасидан ўз хизматини таклиф этади:



Кузовли ППБ-9372 (икки уқли), юк автомашиналари — қуввати 20 тонна, ёпиқ кузовли ППБ-9372Т (икки уқли) юк автомашиналари қуввати 20 тонна, кузовли МАЗ—9380 (бир уқли) автомобиллари — қуввати 14 тонна.

Шунингдек, ЗИЛ-130, ЯМЗ-236, ЯМЗ-236 машиналарини капитал таъмирлаш, барча турдаги автомобилларнинг гильзалари ҳамда тирсакли валларини созлаш бўйича буюртмалар қабул қилинади.

Ишнинг сифати ва пишиқлигига, хизмат ҳақининг арзон бўлишига кафолат берамиз!

Манзилимиз: 700170, Тошкент шаҳри, Складская кучаси, 32. Тел: 62-22-23, 62-76-96, 62-76-38, 62-76-92.

«ПЛАТАН» кичик корхонаси қуйидаги маҳсулотларни пул ўтказиш йўли билан сотади:

ЮМШОҚ МЕБЕЛЛАР:

«Новинка», «Андрей» диван-кроватлари,

Офис диванлари, юмшоқ креслолар, айланувчи офис креслолар, ошхона ва қабобхоналар учун ярим юмшоқ стуллар, яна улар учун синчли столлар, ярим юмшоқ синчли курсилар.

Икки эшикли пўлат сандиқлар, 300 килогача юк кўтарадиган 4 гилдиракли аравачалар, ярим кубометрли ҳажмдаги бетонқоргичлар, аралаш озуқа тайёрлаш учун донянчгичлар, минутига 16 банканинг оғзини ёпадиган мини автоматлар, гаражлар учун 0,5 тоннагача юк кўтарадиган механик телилар, ёғоч қирқадиган қўлларалар, ёғоч ва тахта парчаси ҳамда қипиқларини ДСП усулида қайта ишлайдиган агрегатлар.

Бартер (мавоза) йўли билан ҳам сотилиши мумкин бўлган маҳсулотлар: тахта, ёғочлар, 1,0-1,8 ммли, 2,5-3, Оммли тахталар, Ц 24-100-20 редукторлари, 14 ммли темир чивиқлар, 4х20, 4х25 ммли бурама михлар, 8 дан 16 ммли фанерлар, мебелларни қопловчи матолар, гобелон, чарм-винилислар, манзарали михлар, 10-нчи иплар, ишланмаган резиналар, 1600 ммли понасимон тасмалар, 28х25х2 тўртбурчак трубалар, ПП ЭБ 40 С 125х20х32 силлиқловчи ускуналар.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Червяков кўчаси, 64-уй. Телефон: (3712) 93-02-39, 93-08-11. Ички телефон: 1-35,6-05.

ХУШТАЪМ ПАЛЬМА ЁҒИ

«Пальма ёғи» ишлатиб тайёрланган таомлар хушбўй-ю, ўзгача бир лаззатли бўлиб, ҳурандага роҳат бағишлайди. Бежирим идишларда кўзга ташланадиган мазкур ёғ Туркияда ишлаб чиқарилган.

Ҳар бир уй бекаси Пальма ёғидан минг хил: қовурма, қайнатиб шунчаки салатга қўшиб таом тайёрласа бўлади, яъни у дастурхонга файзу барака киритади. Қолаверса бекалар узоқ-яқинларини лаззатли овқату салатлар билан сийлаб, қулланилиши қулайлигидан хушнуд ҳам бўлишади.

Энг тоза, химикатлардан холи, табиий Пальма ёғини пойтахтнинг «Москва» дўконидан харид қилишингиз мумкин. Нархини чўнтак кўтаради: 3 литри 126 сум, 70 тийин.

Мурожаат учун телефон: 35-05-22.

Ҳиссадорлик жамиятлари раҳбарлари, товар (мол) ишлаб чиқарувчилар, хусусий, кичик ва ўрта бизнес тадбиркорлари диққатига!

«Узулгуржибиржасавдо» уюшмасининг «Узкоммаиншийсавдо» воситачи улгуржи савдо ҳиссадорлик жамияти қуйидаги хомашё ва материалларни сотади:

Эркаклар қўйлагибоп 3 хил газлама, эни 100 см. «Орзу» газламаси, арт. Д—144 эни 100 см.

Гулли полотнолар, арт. Д—49 эни 80 см.

Дастурхонбоп газламалар, арт. Д—107 эни 160 см.

Бузнинг 3 хили, эни 180 смгача.

Читлар, арт. Д— 6(32) эни 80 см.

«Беқасам» арт. Д— 5,50 фоиз пахта ипидан тўқилган, эни 90 см «Астарлик», арт. Д— 189 100 фоиз пахта ипидан тўқилган, «Алак-румол» газламаси, 100 фоиз пахта ипидан тўқилган эни 80 см.

Паҳмоқ ва ярим жунли одеяллар, пахтали ёстиқлар.

Сурия тюль (нафис тўр парда)лари.

Кўрпа-тўшак комплектлари.

Мулоқот учун телефонлар: (3712) 41-19-60, 41-29-54.

Жамият шунингдек турли хил чинни идишлар, гилам буюмлар, газ учоқлари, махсус кийимбош ва пойафзалларни сотиб олишни таклиф этади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 7-уй.

Телефонлар: (3712) 41-24-32, 41-26-32, 41-27-32.

Факс (3712) 41-18-93, 41-17-60, 50-10-20.

Ҳиссадорлик жамияти — «Узкоммаиншийсавдо» сизда ишонч қилади пайдо. Сизни кутамиз!

Соғлом авлод учун

ИЗЛАНИШ ҚИРРАЛАРИ

Уша диқиқаларни улар бир умр унутишмайди. Қандай унутишсин: саккиз ойлик гўдакнинг ҳаёти қил устида турарди. Уни оғир аҳволда олиб келишди. Гўдак жон талвасасида ётарди. Тиббий ходимлар ҳарна уринишмасин, нафи сезилмасди. Аксинча, бемор ҳушини йўқотиб борарди, бироздан кейин ҳеч нарсани сезмай ҳам қолди. Унинг чаросдай катта-катта, очиқ кўзларига тикилди-ю, Малика Ғуломовна титраб кетди.

— Йўқ! Йўқ! — бош шифокорнинг шивирлаб айтган бу сўзлари ҳайқириқдай эшитилди. — Тайёрланинг, қон қуямиз.

— Қон тахшиси — резус манфий, — реанимация бўлимининг бошлиғи Умида Абдуллаева бош докторга қаради. — Бундай қон қўлимизда йўқ.

Малика Ғуломовна бир дам қизга, унинг чарос кўзларига тикилиб қолди. Қатъий қарорга келди-да, атрофда турган тиббиёт ходимларига буюрди:

— Тез тайёрланинглар. Менинг қоним бемор қизчага тўғри келади. Узим қон бераман...

— Грипп пайти, касалхонамизда 3-4 оғир бемор бор эди, — эслайди Тошкентдаги 1-болалар шифохонаси касаба уюшмаси қўмитасининг раиси, реаниматолог Бозорбой Қодиров. — Қон етишмасди. Тиббий ходимларимиздан қон олиб қуярдик. Лекин бу қизчага тушадиган қон бериши мумкин бўлган ходимларимиз қолмаганди. Шунда бош докторимиздан бевосита қон олиб қуя бошладик. Ҳаммамизнинг кўзларимиз қизчада. Бора-бора унинг чеҳрасида маъно пайдо бўлди, қиз ўзига кела бошлади. Бу ҳолни кузатиб туриб, ҳаммамиз қувониб кетдик.

— Йигирма икки йилдан бери болалар тиббиёти соҳасида ишлаяпман, — эслайди Малика Салиҳўжаева. — Шу йиллар мобайнида қандай синоятлар юз бермади дейсиз. Шифокор учун энг дахшатлиси — ота-оналарнинг аламу кўз ёшларидир. Шунинг учун бемор гўдакларнинг аҳволини енгиллатиш, дардларига даво топиш йўлида ҳеч бир ишдан, ҳар қандай саъи-ҳаракатдан қайтмаймиз.

Шундай мақсад йўлида шифокорларга мадад бўлувчи воситаларнинг деярли барчаси шифохонада муҳайё. Айтайлик, кейинги йилларда чақалоқлар орасида зотилжам касаллиги кўпаяётганлиги кузатиляпти. Яқин-яқинларгача антибиотиклар бу оғир дарднинг бирдан бир давоси саналар, тиббий муолажада унга зўр бериларди. Тиббиёт илми ва амалиёти бу усулнинг салбий оқибатларини асослаб берди. Аввало, антибиотиклар билан интенсив даволаш натижасида тананинг ўз-ўзини ҳимоя қилиш кучлари бўшашиши аниқланган. 1-болалар шифохонаси жамоаси, аввало, бош шифокор Малика Ғуломовна, реаниматолог Бозорбой Қодиров, реанимация бўлими бошлиғи Умида Абдуллаева, шифокорлардан Лаъли Умарова болалар зотилжамини даволашнинг янги-янги усулларини ва воситаларини излай бошлашди. Бу иш икки йўналишда олиб борилди. Биринчидан, даволаш шароитини яхшилашта, иккинчидан, янги воситалар, тиббиёт фани ва техникаси ютуқларини ўрганиш, синов ишларини олиб боришга киришилди. Ун йиллар мобайнида даволашнинг ташкилий жиҳатлари яхшиланди. Бунинг учун шифохонадаги ўринлар сонини... қисқартириш йўлидан борилди: 1986 йили тўрт қаватли етоқхона биноси шифохона ихтиёрига берилди. Эндигина бош шифокорликка тайинланган Малика Салиҳўжаева бу бинони шифохонага мослаштириб, таъмирлаш ишларини бошлаб юборди. Ўринлар сони 50 тага қисқартирилди, муолажа шароитлари яхшиланди. 1993 йили ўринлар сони яна 50 тага қисқартирилди.

— Бир палатага нари борса икки беморни жойлаштиралиган бўлдик, — дейди бош шифокор. — Илгарироқ очилган кундузги муолажа бўлимимиздаги ўринларни эса 20 тага кенгайтирдик. Шу йилнинг бошида тиббий хизматнинг ташкилий тузилиши такомиллаштириб, оилавий поликлиникалар ташкил этилиши муносабати билан шифохонамиз ҳузуридаги поликлиникани тугатдик. Оқибатда шароитимиз яна ҳам яхшиланиб, физиотерапия бўлими кенгайди.

Иккинчи йўналишдаги режаларни амалга оширишда Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш олийгоҳининг 2-педиатрия кафедраси ходимлари ёрдам беришди. Шу кафедра мудири, профессор Аҳмад Султонов раҳбарлигидаги олимлар шамоллаш билан боғлиқ касалликларни ярим ўтказгичли лазерлар билан даволаш усулини жорий этишга қўмаклашишди. Янги «УЗОР» ва «Милта» усқуналари ўрнатилди. Ўткир зотилжам дардига чалинган бир ёшгача чақалоқларни улар қўмагида даволаш услубияти ишлаб чиқилди. Натижада дарддан фориғ бўлиш муддати қисқарди, антибиотикларни қўллаш кескин камайди.

Бугун 1-шифохонада бўлсангиз, муолажани ташкил этиш амалиётини кузатиб,уз ишини сидқидилдан севган, унинг эҳтиёжлари, гўдак беморлар дардига малҳам бўлиш истаги билан яшаган тиббий жамоа ҳозирги оғир шароиларда ҳам нималарга қодир эканлигини кузатиб, мамнун бўласиз, тиниб-тинчимас, ижодий мушоҳадали мутахассисларнинг саъи-ҳаракатларига таянно дейсиз. Палаталарда эндиликда фақат бир бемор ётқизилади. Кенг, баҳаво, ёруғ хоналар, янги-янги даволаш усуллари, энг муҳими, қуйди-пишди ходимларнинг ширинсўзлиги гўдакларни дарддан фориғ этишда муҳим омиллар бўлиб хизмат қилаяпти. Дори-дармонларнинг ҳозирги тақчиллиги бу ерда сезилмайди. Чунки шифобахш ўтлар дамламалари билан даволаш кенг йўлга қўйилган. Бош шифокордан: «Яна қандай орзу-ниятларингиз бор?» — деб сўрадик.

— Эндиги бирдан-бир режамиз ўз фарзандини даволатиш учун келган оналар саломатлигини ҳам урганиб, бирор дардлари аниқланса, айни бир пайтда уларга ҳам муолажа қилишни йўлга қўйишдан иборат, — деб жавоб берди Малика Ғуломовна.

Ниҳоятда олий ният бу. Изланувчан жамоага шу орзуни рўёбга чиқариш йўлида муваффақият тиладик.

Ж. САЪДУЛЛАЕВ.

Суратда: 1. Шифохона ходимлари (чапдан) — ҳамширалар Х. Жўраева, В. Азимова, М. Толипова, шифокорлар Ш. Нишонова ва М. Рихсиевалар муолажа устида.

Суратни Солижон ЗОИРОВ олган.

МУНАЖЖИМЛАР ТАБИРИ

(28.08—3.09 кунлари учун).

ДАЛВ (20.01—18.02) фарзандлари учун келгуси ҳафта бир мунча эҳтиёткорликни талаб қилади, айниқса, ишда бепарволикка йўл қўймаслик керак. Шунда ҳафта осойишта ва ортиқча ташвишларсиз ўтади.

ҲУТ (21.02—21.03) ойида туғилганлар учун ҳафтанинг дастлабки кунлари бироз ҳосиятсиз қолган кунлари омадли келиши кутилади. Шунга қараб, ҳафтанинг аввалида бирор ишни бошлашдан тийилиб турган маъқул. Қолган кунлар ҳар қандай ишга дадил киришиш мумкин. Шу кунлари қилинган ҳайрия ишлари баъзи нохушликларнинг олдини олади.

ҲАМАЛ (21.03—21.04) ойи фарзандларини бу ҳафта кутилмаган ишлар кутади. Хусусан, оилада бир қанча қувончли воқеалар содир бўлиши мумкин. Иложи борича бировларнинг кўнглини оғритмаслик, ҳафта охиригача бошлиқлар ҳузурига кирмасликни маслаҳат берамиз.

САВР (22.04—20.05) ойида туғилганлар учун бу ҳафтада омадли ва хосиятсиз кунлар аралаш келиши кутилади. Сафарга чиқиш ва раҳбарлар билан бўладиган муносабатларда эҳтиёткорлик даркор. Ота-оналарнинг, дуогўй кексаларнинг дуоларини олиш барча ишларнинг яхши натижа билан тугашига йўл очади.

ЖАВЗО (21.05—21.06). Бу ойда таваллуд топганларга оилавий ҳаётда омад кулиб боқади, айниқса янги қуриладиган оилалар мустаҳкам бўлиб, аҳил ҳаёт кечирадилар. Иш ва ўқиш соҳасида ҳам бу кишилар яхшиликларни қўлга киритадилар.

САРАТОН (22.06—22.07) ойи фарзандлари учун бу ҳафта хурсандчилик билан ўтиши кутилади. Бемор қариндошлари шифо топиши, кўпдан азият бериб келаётган иқтисодий қийинчиликлар барҳам топиши мумкин. Шу ҳафта турли масалаларда тузилган шартномалар ва битимлардан кутилган натижаларга эришилади.

АСАД (23.07—23.08) ойида туғилганлар бу ҳафта кўпгина манфаатлар қўришлари мумкин. Хусусан, уларнинг иш фаолиятларида ўзгаришлар бўлиши, яъни мансабга кўтарилишлари, амалий ишларида ютуқларга эришишлари кутилади. Муҳтожларга хайри-эҳсон қилишлар яхшиликларнинг янада кўпайиши, уларнинг барқарор бўлишига мадад беради.

СУНБУЛА (23.08—22.09) ойи фарзандлари учун бу ҳафтада бирор-бир кўзга кўринадиган ҳодиса рўй бермаслиги мумкин. Савдо-сотиқ билан шуғулланишдан тийилиб турган маъқул. Ичкиликбозлик, саёқ юришлар эришилган натижаларни барбод қилиши, келадиган омадли кунларни орқага суриб юбориши мумкин.

МЕЗОН (23.09—22.10) ойида таваллуд топганларга ҳафтанинг аввалги кунлари янги ишларни бошламай туриш маъқул. Чунки бу кунлар улар учун анча бехосият келиши кутилади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида ҳамма ишлар жойига тушиб кетади. Молиявий ишлар ҳам юришиб, кутилган маблағлар қўлга кириши мумкин. Спиртли ичимликдан қатъий равишда тийилиш керак. Акс ҳолда нохушликлар қийнаб қўйиши мумкин.

АҚРАБ (23.10—21.11) ойи фарзандлари учун бу ҳафтада бир мунча қувончли ўзгаришлар юз бериши кутилади. Улар оилавий ҳаётга ёки хизмат соҳасига тегишли бўлиши мумкин. Лекин сафарларга чиқиш, бошлиқлар ҳузурига киришдан сақланиб турган маъқул. Чунки кутилган натижани олиш мушкул кўринади.

ҚАВС (22.11—21.12) ойида туғилганлар ўз ишларини аввалгидек давом эттираверишлари мумкин. Чунки бирор янги ишни бошлашдан кутилган наф келмаслиги хавфи бор. Яхшиси, оилада фарзандлар тарбиясига ҳамда ўз саломатликларини яхшилашга кўпроқ эътибор берилса, фойдадан ҳоли бўлмайди. Молиявий соҳада қарийб ўзгариш юз бермас.

ЖАДДИ (22.12—19.01) ойи фарзандлари учун бу ҳафта тинч осойишта ўтиши кутилур. Яхши солиҳ кишилар суҳбатида бўлиш, улардан руҳий озуқа олиш кўп манфаатлар келтирур. Сафарга чиқиш, бошлиқлар олдига кириш ҳам яхши натижа билан тугайди. Валлоҳу аълам биссавоб.

Умумтаълим мактабларида

ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁР

Ҳаққулобод шаҳрида ажойиб анъана қарор топган: халқ таълими бўлимига қарашли мактаблар ва мактабгача тарбия муассасалари бинолари асосан жамоатчилик қўмагида таъмирланмоқда. Бу тадбир амалдаги йилда, айниқса, қувончли самара берди. Оталиқ ташкилотлари, ота-оналар ва ўқитувчиларнинг бир ёқадан бош чиқариб қилган астойдил ҳаракатлари туфайли таълим-тарбия масканларини янги ўқув йилига созлаш Наманган вилоятида биринчилар қаторида ниҳоясига етказилди. Бу борада Маҳмуджон Ҳолмирзаев ва Шоҳобиддин Раҳмоновлар раҳбарликларидаги тикувчилик фабрикаси ҳамда 37-таъмирлаш ва қурилиш бошқармаси қўшган ҳисса салмоқли бўлди. Норин туманида шаклланган ушбу ташаббус шаҳарда мактабларни мавсумга ҳозирлашга бағишлаган республика семинар-кенгашида ҳам қизғин маъқулланди.

«Ишонч» мухбири.

***

Хоразм вилояти Қўшкупир туманидаги Қ. Жуманиёзов номли мактаб бундан тўрт йил аввал ишга туширилган эди. Унинг қурилиши ҳашар асосида амалга оширилди. Лекин мактаб ўқитувчилари жамоаси шу қисқа вақт ичида эришган натижалардан ўрнак олса арзигулик. Мактабда эҳтиёжлар учун пул маблағларини ўзлари ишлаб топишга ҳаракат қилмоқдалар. Бунинг учун мактаб ер участкасидан унумли фойдаланаяптилар. Жумладан, палос тўқиш дастгоҳлари ўрнатилиб, сержило маҳсулотлар ишлаб чиқарилаяпти. Ҳар йили пилла стиштириш йўлга қўйилган. Мактабда ижтимоий ёрдам жамғармаси тузилган, таълим тарбия беришда яхши натижаларга эришаётган ўқитувчиларга ҳар ойда шу жамғармадан 100 сўмлан пул мукофотга берилянти. 20 нафар аълочи ўқувчи эса стипендия олмоқда.

Бундай тажриба вилоятдаги бошқа мактабларга ҳам кенг ёйилмоқда.

Шиҳназар АҲМЕДОВ, «Ишонч» мухбири.

ДУШАНБА, 28

ЎзТВ I
17.55 **Мустақиллик жамоли.** Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 **«Омилкор инсонлар».**
18.35 Футбол шарҳи.
18.50 **«Ўзбектелефильм» фестивали. «Учқудук: ислоҳотлар чорраҳасида». Премьера.**
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Мустақиллик жамоли.
19.55 Эълонлар.
20.00 **«Шодиёна». Тўхтасин Жалилов номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.**
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.25 **Мустақиллик жамоли.**
21.30 Эълонлар.
21.35 **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияси олдидан.**
22.05 Бир жуфт қўшиқ.
22.15 **Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун Халқаро турнир. Саралаш мусобақалари.**
22.45 **Мустақиллик жамоли.**
22.50 Эълонлар.
22.55 — 23.20 «Ахборот».

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Таҳлил».
19.10 «Йўлингиз бехатар бўлсин».
19.40 «Деҳқон ҳиммати».
20.10 «Экология ва ҳаёт».
20.40 «Тошкентга саёҳат».
21.10 — 21.50 «Мунозара оқшоми».

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!
28 августдан 13 октябргача Россия давлат телевидениеси кўрсатувларида техник сабабларга кўра танаффус эълон қилинган.
Айрим кўрсатувлар намойиш қилинадиган кун ва вақтидаги бўлиши мумкин бўлган ўзгаришлар шу билан изоҳланади.

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.10 — 20.45
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 21.50
***
22.55 — 23.40

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 **Мустақиллик жамоли.**
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Парда». Телефильм.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Нефтчи» — «Наврўз».
«ОМАД» таништиради:
21.20 **Мустақиллик жамоли.**
21.25 Эълонлар.
21.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.20 «Салом, ёшлар!».
23.00 «Жаҳон географияси».
23.50 Эълонлар.
23.55 Видео — «О».
01.25 Эълонлар.
01.30 «Курьер».
01.50 «...яна об-ҳаво ҳақида».
02.00 — 02.10 «Постфактум».

СЕШАНБА, 29

ЎзТВ I
6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 **Мустақиллик жамоли.**
8.05 **Бобур изидан. «Боболар ёди». 1-қисм.**
8.35 **«Актёрлар ва роллар». Доно Бобохонова.**
9.50 Немис тили.
10.20 «Ёшлик» студияси. «Эъзоз».
11.00 Ўқитувчиларнинг август кенгашларида.
12.00 Қашқадарё вилоят Шаҳрисабз шаҳар Маданият уйи мақомчилар ансамблининг концерти.
12.40 «Солиқ».
13.00 — 15.00 «Умидлар йили». Видеоканал.
***
17.55 **Мустақиллик жамоли.** Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Мультфильм.
18.25 «Коинот гули».
18.55 **«Ўзбектелефильм» фестивали. «Саҳна юлдузининг нурли шўъласи». Премьера.**
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 **Мустақиллик жамоли.**
19.55 Эълонлар.
20.00 **«Халқ денгиздир». Чўлпон лирикаси.**
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.25 **Мустақиллик жамоли.**
21.30 Эълонлар.
21.35 **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияси олдидан.**
22.05 **Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун Халқаро турнирнинг очилиши.**
22.50 **Мустақиллик жамоли.**
22.55 Эълонлар.
23.00 — 23.25 «Ахборот».

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:
18.30 **Мустақиллик жамоли** «Мультфейерверк».
18.45 «Табиат дунёси».
19.35 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.55 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
20.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 Видеогид.
21.30 «Теле-ателье-шоу».
21.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
22.20 — 24.00 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00
***
18.10 — 20.45
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 21.40
***
22.40 — 01.10

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 **Мустақиллик жамоли.**
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Эллада».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Ҳаракатда баракат».
20.10 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.10 «Манбалар».
21.50 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
22.10 «Шимолий Экспресс» телеклуби.
22.55 «Соккер-клуб».
23.40 «Би-Би-Си» янгиликлари.
23.50 — 00.10 Теннис. Турнир жилолари. Кўрсатувни А. Метревели олиб боради.

ЧОРШАНБА, 30

ЎзТВ I
6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 **Мустақиллик жамоли.**
8.05 **Бобур изидан. «Фарзандлар бурчи». 2-қисм.**
8.30 «Илҳом мавжлари».
8.50 «Тараққиёт».
9.20 Алифбо сабоқлари.
9.50 «Саховат».
10.20 «Ҳуқуқингизни биласизми?».
10.40 «Ёшлар ва замон».
11.10 «Театр учрашувлари».
12.10 «Бола бошидан...»
12.50 — 14.50 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.
***
17.55 **Мустақиллик жамоли.** Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Мультфильм.
18.20 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
18.55 **«Ўзбектелефильм» фестивали: «Мовароуннаҳр». Премьера.**
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 **Мустақиллик жамоли.**
19.55 Эълонлар.
20.00 **«Байрамингиз кўнгилли ўтсин».**
20.20 **Ўзбекистон ва жаҳон. «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик».**
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.25 **Мустақиллик жамоли.**
21.30 Эълонлар.
21.35 **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясида.**
22.35 **«Ислоҳотимиз тамойиллари».**
23.05 **«Истиқлол наволари».**
23.35 **Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун Халқаро турнир.**
00.15 **Мустақиллик жамоли.**
00.20 Эълонлар.
00.25 — 00/50 «Ахборот».

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Дарсга қўнғироқ».
19.15 «Мусиқий меҳмонхона».
20.15 «Бумеранг».
20.45 «Тошкент оқшомида».
21.45 «Рок-сеанс».
22.25 — 23.55 «Кинематограф».

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00
***
18.10 — 20.45
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 21.15
***
22.55 — 00.45

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 **Мустақиллик жамоли.**
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «5+1».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Хайр, ёз!»
20.20 Теннис. Турнир жилолари. Кўрсатувни А. Метревели олиб боради.
*
«ОМАД» таништиради:
20.40 **Мустақиллик жамоли.**
20.45 Эълонлар.
20.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
21.40 — 00.40 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

ПАЙШАНБА, 31

ЎзТВ I
6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 **Мустақиллик жамоли.**
8.05 **Бобур изидан. «Таваррук қадамжолар». 3-қисм.**
8.30 **«Юрт ҳақида қўшиқ».**
9.10 **«Ўзбектелефильм» кўрсатади. «Ўзбекистон: мустақиллик одимлари».**
10.05 Болалар учун. «Орзуларим бир дунё».
10.30 **Мустақиллик жамоли.** «Тангалик болалар». Бадиий фильм.
11.50 «Қўшиғимдасан, Ватан». Адабий-мусиқий композиция.
12.30 **«Ўзбектелефильм» кўрсатади. «Юртимда истиқлол руҳи». Премьера. 1-фильм.**
13.00 **«Миллатнинг дардига дармон бўл».**
13.20 **Мустақиллик жамоли.** Мусиқий дақиқалар.
13.30 «Болалар — гуллолалар».
13.50 **«Қирол шер». Мультфильм.**
15.20 **«Пойтахтимиз — кўркимиз».**
15.40 **«Юрт ишкида ёнаман». Киноконцерт.**
16.00 **«Мен озодлика интилдим».**
16.30 **«Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Фавворалар». Премьера.**
16.40 **«Ким топди?».**
17.40 **«Ўзбекистон — ўз уйимиз».**
18.05 **Мустақиллик жамоли.**
«Ўзбектелефильм» кўрсатади. «Юртимда истиқлол руҳи». Премьера. 2-фильм.
18.35 **«Юзма-юз».**

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 **Мустақиллик жамоли.**
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Эллада».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Ҳаракатда баракат».
20.10 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.10 «Манбалар».
21.50 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
22.10 «Шимолий Экспресс» телеклуби.
22.55 «Соккер-клуб».
23.40 «Би-Би-Си» янгиликлари.
23.50 — 00.10 Теннис. Турнир жилолари. Кўрсатувни А. Метревели олиб боради.

ЖУМА, 1

Ўз ТВ I
«ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ»
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 1 СЕНТЯБРЬ КУНИ СОАТ 7.00 дан 2 СЕНТЯБРЬ СОАТ 02,40 гача ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 4 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН УЗЛУКСИЗ БАЙРАМ КЎРСАТУВЛАРИНИ ТОМОША ҚИЛИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

ЎзТВ II
19.30 — 02.40 ЎзТВ I дастури.

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00
***
18.10 — 20.45
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 21.40
**
22.55 — 01.40

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 **Мустақиллик жамоли.**
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Компьютер — Осиё».
21.40 «Кулгига нима етсин».
22.05 Эълонлар.
22.10 «Даракчи».
22.25 Видео янгиликлари.
22.45 Эълонлар.
22.55—00.35 Видео— «О».

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.00 — 20.45
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 21.40
***
22.55 — 00.40

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 **Мустақиллик жамоли.**
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 Болалар учун. «Орзуларим бир дунё».
11.20 «Экран хандаси».
11.50 «Қўшиқларимиз сизга армуғон».
12.20—13.50 «Тоҳир ва Зуҳра». Бадиий фильм.
***
17.55 **Мустақиллик жамоли.** Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Томоша» ахбороти.
18.15 «Алпомиш авлодлари».
18.50 Бир жуфт қўшиқ.
19.05 «Ойнаи жаҳонда...».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Хафтанома» (рус тилида).
20.00 **Мустақиллик жамоли.**
20.05 Эълонлар.
20.10 «Якшанба оқшомида». Мусиқий дастур.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Хафтанома».
21.30 **Мустақиллик жамоли.**
21.35 Эълонлар.
21.40 **Спорт кўрсатувлари. 1. I Марказий Осиё ўйинларида. 2. Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун Халқаро турнир.**
23.30—24.00 «Хафтанома».

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:
10.00 **Мустақиллик жамоли.** «Мультфейерверк».
10.15 «Табиат дунёси».
11.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
11.25 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
12.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.40 Видеогид.
13.00 «Теле-ателье-шоу».
13.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
13.50—15.30"Кинонигоҳ».
***
17.00 «Совға».
17.30 «Муҳаббатга ошно қалблар».
17.50 Жаҳон географияси.
18.40 Эълонлар.
18.45 Видео—«О».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Курьер».
20.50 «...яна об-ҳаво ҳақида».
21.00 «Постфактум».
21.10 «Компьютер — Осиё».
21.40 «Кулгига нима етсин».
22.05 Эълонлар.
22.10 «Даракчи».
22.25 Видео янгиликлари.
22.45 Эълонлар.
22.55—00.35 Видео— «О».

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.00 — 20.45
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 21.35
***
22.55 — 00.45

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!». Мультфильм.
9.30 «Жонли сайёра».
10.00 «Менинг кўчам».
10.15 «Эртакларнинг сеҳрли оламида».
11.45—11.55 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
* * *
17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 **Мустақиллик жамоли.**
18.45 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
19.10 «Мусиқий саёҳат».
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Қадриятим—қадр-қимматим».
20.30 «Би-Би-Си» янгиликлари.
20.40 «Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси».
21.20 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.20 «Бу ажиб дунё».
22.40 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.
22.50—00.20 Спорт кўрсатувлари. 1. Теннис. Турнир жилолари. Кўрсатувни А. Метревели олиб боради. 2. Футбол. Олимпиада ўйинларининг саралаш турнири. Тожикистон—Ўзбекистон.

00.20 Мустақиллик жамоли.
00.25 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:
9.00 **Мустақиллик жамоли.**
9.05 «Кўнгил».
9.15 **Мустақиллик жамоли.**
9.20 «Даракчи». Байрам сони.
9.40 Байрам концерти.
9.55 **Мустақиллик жамоли.**
10.00 «Курьер». Байрам сони.
10.20 **Мустақиллик жамоли.**
10.25 Эълонлар.
10.35 — 11.05 «Муҳаббатга ошно қалблар».
* * *
«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 «Антенна».
19.40 «Кичик дебют».
20.10 Эсдалик учун дастхат.
20.35—22.05 «Кинематограф».

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.00 — 20.45
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 21.25
***
22.55 — 01.10

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 «Безнен мирас» (татар тилида).
10.40 «Айчурек» (қирғиз тилида).
11.10 Болалар учун фильм. «Болалик» бекатидан кузатув».
13.20—13.50 «Ишбилармон».
* * *
17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 **Мустақиллик жамоли.**
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Монитор-Осиё».
20.35 «Светлица польска».
21.15 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.25 «Бу ажиб дунё».
21.45 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.55—22.15 Теннис. Турнир жилолари. Кўрсатувни А. Метревели олиб боради.

ЯКШАНБА, 3

ЎзТВ I
6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 **Мустақиллик жамоли.**
8.05 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.35 I Марказий Осиё ўйинлари кундалиги.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 Болалар учун. «Орзуларим бир дунё».
11.20 «Экран хандаси».
11.50 «Қўшиқларимиз сизга армуғон».
12.20—13.50 «Тоҳир ва Зуҳра». Бадиий фильм.
***
17.55 **Мустақиллик жамоли.** Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Томоша» ахбороти.
18.15 «Алпомиш авлодлари».
18.50 Бир жуфт қўшиқ.
19.05 «Ойнаи жаҳонда...».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Хафтанома» (рус тилида).
20.00 **Мустақиллик жамоли.**
20.05 Эълонлар.
20.10 «Якшанба оқшомида». Мусиқий дастур.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Хафтанома».
21.30 **Мустақиллик жамоли.**
21.35 Эълонлар.
21.40 **Спорт кўрсатувлари. 1. I Марказий Осиё ўйинларида. 2. Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун Халқаро турнир.**
23.30—24.00 «Хафтанома».

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:
10.00 **Мустақиллик жамоли.** «Мультфейерверк».
10.15 «Табиат дунёси».
11.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
11.25 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
12.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.40 Видеогид.
13.00 «Теле-ателье-шоу».
13.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
13.50—15.30"Кинонигоҳ».
***
17.00 «Совға».
17.30 «Муҳаббатга ошно қалблар».
17.50 Жаҳон географияси.
18.40 Эълонлар.
18.45 Видео—«О».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Курьер».
20.50 «...яна об-ҳаво ҳақида».
21.00 «Постфактум».
21.10 «Компьютер — Осиё».
21.40 «Кулгига нима етсин».
22.05 Эълонлар.
22.10 «Даракчи».
22.25 Видео янгиликлари.
22.45 Эълонлар.
22.55—00.35 Видео— «О».

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.00 — 20.45
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 21.35
***